2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 218 (1817), 2026 йил 21 октябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БМТ БИЛАН КОНСТРУКТИВ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 81-сессияси Раиси, Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Халилур Раҳмонни қабул қилди.



Юқори мартабали меҳмон 21-22 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Болалар фаровонлигига инвестиция: келажак авлодлар барқарор ва адолатли тараққиёти сари йўл” мавзусидаги Жаҳон саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Халилур Раҳмонни БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессияси Раиси этиб сайлангани билан самимий табриклаб, мазкур мақомда ташриф буюрган биринчи мамлакат Ўзбекистон эканини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, Халилур Раҳмон Ўзбекистон Президентига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломини етказди.

Мулоқот чоғида БМТ ва унинг тузилмалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 15 та резолюцияни қабул қилди, уларнинг иккитаси жорий йилда маъқулланди.

Ўзбекистон ташкилотнинг асосий органлари ва тузилмалари ишида фаол иштирок этмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз 2035-2036 йиллар учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигига ўз номзодини илгари сурган.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш ҳамда тинчлик маданияти ва динлараро мулоқотни мустаҳкамлаш масалаларида конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

Икки томонлама муносабатлар ҳақида сўз юритилар экан, Жанубий Осиёнинг жадал ривожланаётган давлатларидан бири Бангладеш билан кўп қиррали шерикликни янада кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

ЎзА

РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ЭКОТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АНИҚ ДАСТУРЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 октябрь куни рақамли таълим экотизимини ривожлантириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Ахборот технологиялари соҳасида 2030 йилгача 300 мингта иш ўрни яратиш бўйича белгиланган мақсадга жорий йилнинг ўзида эришилди. Энди рақамли иқтисодиётнинг янги йўналишларини ривожлантириш ҳисобига 2030 йилга қадар яна 500 мингта иш ўрни яратиш вазифаси қўйилмоқда.

Бунинг учун ёшларни ўқитишдан бошлаб, касбий кўникмаларини тасдиқлаш ва ишга жойлаштиришгача бўлган жараёнларни қамраб олувчи ягона рақамли таълим экотизимини шакллантириш зарур. Тақдимотда 2030 йилгача 5,5 миллион нафар ёшни анъанавий ва масофавий шаклларда ўқитишга қаратилган ёндашувлар кўриб чиқилди.

Мактаб ўқувчилари учун “Ал-Хоразмий ворислари” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаларини кенгайтириш, олий таълим муассасалари ҳамда хусусий ўқув марказлари имкониятларини бирлаштириш назарда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари робототехника, компьютер ўйинларини яратиш, стартаплар ва бошқа истиқболли йўналишларда йилига 1 миллион нафар ёшни ўқитиш вазифасини қўйди. Бунинг учун миллий тренерлар корпусини шакллантириш, онлайн таълим платформалари ва қисқа муддатли рақамли курсларни тезроқ ишга тушириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириб, уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимотда олий таълимда тайёрланаётган кадрлар малакасини технологиялар ва меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мослаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Сунъий интеллект, микросхемаларни лойиҳалаш, дрон технологиялари ва компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда таълимни ривожлантириш, талабаларнинг амалий лойиҳаларда иштирокини кенгайтириш таклиф этилди.

Шунингдек, информатика ўқитувчиларининг сунъий интеллект бўйича билимларини ошириш ва уларни сертификатлаш, олий таълим муассасалари талабалари учун халқаро рақамли таълим курсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Фарғона тажрибаси асосида iOS дастурчиларини тайёрлаш марказларини ташкил этиш, хусусий таълим марказларига менторлар тайёрлаш таклифлари маъқулланди.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларни таълим билан боғлашга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, ОТМларда ўрнатилган тизимлар, микроэлектроника ва буюмлар интернети бўйича мутахассислар тайёрлаш, муҳандислик ишланмалари ва тадқиқот лабораториялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар билдирилди.

Ёшларнинг олган билими меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши учун “Рақамли ёшлар” платформасини ривожлантириш режалари ҳам кўриб чиқилди. Унда таълим, кўникмалар, тил билиш даражаси ва сертификатлар ҳақидаги маълумотларни жамлаш, ёшларга мос бўш иш ўринларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг бандлигини кузатиб бориш кўзда тутилмоқда.

Рақамли таълимга глобал технологик компанияларни кенг жалб қилиш зарурлиги қайд этилди. Ўтган йили ушбу йўналишда 22 миллион доллар грант жалб қилинган. Тизимли ҳамкорлик орқали мазкур кўрсаткични шу йил якунигача 60 миллион долларга, 2030 йилга бориб эса йилига 100 миллион долларга етказиш топширилди.

Жорий йилда жалб этиладиган грант маблағларининг ярмини рақамли таълимга, қолган ярмини малака ошириш дастурлари ҳамда чекка ҳудудларда рақамли таълим марказларини ташкил этиш, уларни сунъий интеллект, робототехника ва дастурлашни ўқитиш учун замонавий ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилиши белгиланди.

Президентимиз рақамли таълимда қамров билан бирга ўқитиш сифати ва унинг бандликка таъсири ҳам асосий мезон бўлиши кераклигини таъкидлади. Масъулларга белгиланган мақсадларга аниқ дастурлар орқали эришиш, ҳудудлардаги имкониятларни кенгайтириш, хусусий сектор ва халқаро ҳамкорлар билан ишлашни кучайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини йўлга қўйиш ишларининг бориши юзасидан ахборот берилди.

ЎзА

ИНТЕНСИВ БАЛИҚЧИЛИК ВА ЭНЕРГОТЕЖАМКОР ЛИМОНЧИЛИК БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев интенсив балиқчилик лойиҳаларини жадаллаштириш ва энерготежамкор лимончилик иссиқхоналарини ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда интенсив усулдаги балиқчиликни кенгайтириб, йилига 1 миллион тонна балиқ етиштириш вазифаси қўйилган. Тақдимотда бу мақсадга эришиш учун мелиоратив тик қудуқлар имкониятидан фойдаланиш режалари Балиқчи тумани мисолида кўриб чиқилди.

Тумандаги 24 та қудуқ атрофида чавоқ ва озуқа таъминотидан тортиб, балиқ етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишгача бўлган жараёнларни қамраб олувчи интенсив балиқчилик мажмуаларини ташкил этиш режалаштирилган. Ҳар бир 50 сотихлик лойиҳада йилига камида 30 тонна форель балиғини етиштириш ва 10 та иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳаларни ягона тизимда бошқариш учун балиқчилик холдингини ташкил этиш таклиф қилинди.

Балиқчи тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ этиш мақсадида 2027 йил 1 мартга қадар республикадаги 4 мингдан зиёд мелиоратив тик қудуқни хатловдан ўтказиш топширилди. Балиқ етиштиришга яроқли қудуқларни илғор тадбиркорларга давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, Хонободда совуқ сув балиқларини етиштириш ва қайта ишлаш, Улуғнорда эса сув ҳавзалари негизида балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш режалари ҳақида ахборот берилди.

Тақдимотнинг иккинчи қисми Балиқчи тумани мисолида лимончиликни ривожлантиришга бағишланди. Тумандаги тўққизта маҳалла атрофидаги 100 гектар майдонда энерготежамкор иссиқхоналар қуриб, уларни тайёр ҳолда тадбиркорларга таклиф этиш режалаштирилмоқда. Лимон етиштириш, саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотиш ишлари ягона кооперация занжирига бирлаштирилади.

Лойиҳага ишсиз ва камбағал оилаларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 500 та иссиқхонада маҳаллий оилалардан камида 1 минг нафар киши иш билан таъминланади. Лимон кўчатлари ҳосилга киргунига қадар оралиқ экинлар етиштириш орқали қўшимча даромад олиш мумкин бўлади.

Балиқчи тажрибаси асосида келгуси йил ҳудудларда жами 200 гектар майдонда камбағал оилалар ва ишсизлар учун энерготежамкор иссиқхона мажмуаларини барпо этиш режалаштирилган. Бу икки мингта оиланинг даромадини оширишга хизмат қилиши кутилмоқда.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартиришга қаратилган ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолини балиқчилик ва лимончиликка ўқитиш харажатларини қоплаб бериш чораларини кўриш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎзА

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, СУВ ОМБОРЛАРИ ВА ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев фавқулодда вазиятларга тезкор жавоб бериш тизимини такомиллаштириш, сув омборлари ва уларга туташ ҳудудлардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш бўйича тақдимот билан танишди.

Шаҳарларнинг кенгайиши, технологик ривожланиш ва иқлим ўзгариши қутқарув хизмати олдига янги вазифалар қўймоқда. Айни пайтда айрим ёнғин-қутқарув қисмларининг жойлашуви, бинолари ва техникаси тезкор ёрдам кўрсатиш талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давлатимиз раҳбари тизимни янгилашда асосий мезон инсон ҳаётини сақлаб қолиш бўлиши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун “олтин дақиқа” қоидасини амалиётга жорий этиб, шаҳар ҳудудларида қутқарувчиларнинг етиб келиш вақтини 5-7 дақиқага, шаҳар марказларидан ташқари ҳудудларда эса 15-20 дақиқага тушириш вазифаси қўйилди.

Аҳолиси 250 мингдан ортиқ туман ва шаҳарлардаги 25 та ёнғин-қутқарув қисмини қайта ташкил этиш ва замонавий техника билан таъминлаш режалари ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, мураккаб шароитларда ишлайдиган “Мадад” миллий кўп тармоқли махсус қутқарув маркази, авиация-қутқарув бўлими ҳамда фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклиф этилди.

“112” ягона диспетчерлик хизмати фаолиятини такомиллаштириш, мурожаат келиб тушган пайтдан унинг ижросигача бўлган жараённи кузатиш, тегишли хизматлар ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Соҳада рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Сув омборларида қутқарув хизматини кенгайтириш зарурлиги ҳам таъкидланди. Мавжуд 56 та сув омборининг фақат тўрттасида бундай хизмат йўлга қўйилган. Шу боис, “Каркидон” сув омбори мисолида профессионал қутқарув тизимини ташкил этиш таклифи билдирилди. Қутқарувчиларни тайёрлаш техникумида дуал таълим асосида қутқарувчи-ғаввослар тайёрлаш, туризм объектлари ходимларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва биринчи ёрдам кўрсатишга ўқитиш режалаштирилмоқда.

Сув омборларидан туризм мақсадида фойдаланиш имкониятлари ҳам кўрсатиб ўтилди. Ҳозирча бешта сув омборида туризм ташкил этилган, яна 25 тасида бундай хизматларни йўлга қўйиш имконияти бор. Бу ҳудудларга инвестиция жалб қилиш янги иш ўринлари яратиш ва сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Бунда хавфсизлик талаблари устувор бўлиши таъкидланди. Туристик хизматларни сертификатлаш, тадбиркорларнинг профессионал қутқарув тузилмалари билан шартнома тузишини мажбурий этиб белгилаш, дам олиш масканларини қутқарув қайиқлари, кузатув миноралари ва сув чуқурлигини кўрсатувчи белгилар билан жиҳозлаш таклиф қилинди.

Сув омборлари атрофида туризм хизматларини ташкил этган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам тақдим этилди. Уларга 2029 йил 1 октябрга қадар ер ва мулк солиқларининг ярмини тўлаш, GPS, қутқарув ва хавфсизлик ускуналари учун божхона тўловларини 120 кунга кечиктириш ёки бўлиб тўлаш имкониятини бериш назарда тутилмоқда. Ушбу ҳудудлардаги ер участкаларини сотишдан тушган маблағларни ташқи муҳандислик тармоқлари ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш таклиф этилди.

Шунингдек, сув омборларининг техник ҳолати ва хавфсиз ишлашини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Йигирма бешта сув омбори жойига чиқиб ўрганилган. Хавфли ўзгаришларни эрта аниқлаш учун маҳаллий огоҳлантириш тизимлари, видеокузатув, сейсмологик ускуналар ва рақамли назорат воситаларини кенгроқ жорий этиш чоралари кўрилади.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари масъулларга қутқарув хизматининг тезкорлигини ошириш, сув омборларида профессионал қутқарув хизматини йўлга қўйиш ва туризм объектларида хавфсизлик талабларини аниқ белгилаш юзасидан топшириқлар берди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: СИЁСИЙ ИШОНЧДАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ



Жорий йилнинг 19 октябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий мулоқотида давлатимиз раҳбари бевосита иштирок этди. Ўзбекистон учун бундай формат инвестиция, технология, янги бозорлар ва халқаро савдо тизимига интеграция учун амалий механизм бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон — АҚШ ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Президентининг иштирок этиши, биринчидан, икки давлат ўртасидаги мулоқотнинг сўнгги йилларда энг юқори даражага кўтарилганидан далолат беради. Мазкур кенгаш одатда ҳамраислар даражасида ишлаши белгиланган. Кенгаш ҳамраислари АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Гор ва Ўзбекистон Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ҳисобланади.

Давоми 3-бетда

Самарқандда бўлиб ўтган “С5+1” учрашуви АҚШ ва Марказий Осиё муносабатларида муҳим босқич бўлиши мумкин. Вашингтон Марказий Осиёни ўз мустақиллигини мустаҳкамлаётган минтақа, Ўзбекистонни эса Евроосиё ҳамкорлиги ва иқтисодий интеграциясини ривожлантиришда муҳим бўғин сифатида кўрмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 21 октябрь, 218-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ХАЛҚАРО МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ ЧЎҚҚИСИГА ОЛИБ ЧИҚМОҚДА



18-20 октябрь кунлари АҚШ Давлат котиби Марко Рубио Самарқандга ташриф буюриб, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг “С5+1” форматидаги учрашувида иштирок этди.

Ташриф доирасида у Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди. Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ва АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Горга юксак давлат мукофотларини топширди.

Сафар дастуридан икки мамлакат ўртасидаги Кенгайтирилган стратегик шериклик бўйича мулоқотнинг биринчи йиғилиши, Америка — Ўзбекистон ишбилармонлар ва инвестициялар кенгашининг иккинчи йиғилиши, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар ўрин олди. АҚШ Давлат котиби билан бирга Самарқандга нуфузли бизнес делегацияси ҳам ташриф буюрди. Тадбирларда Американинг 300 га яқин компаниялари вакиллари иштирок этди.

Учрашувлар якунида савдо, инвестиция ва технология соҳаларида умумий қиймати 12 миллиард доллар бўлган 54 та битим имзолангани эълон қилинди. Келишувлар энергетика, тоғ-кон саноати, транспорт ва юқори технологиялар каби қатор йўналишларни қамраб олган.

Нуфузли учрашувлар хорижий оммавий ахборот воситалари ва таҳлилчилар эътиборида бўлди. Улар ташрифнинг Ўзбекистон, АҚШ ва умуман Марказий Осиё учун аҳамиятини юксак баҳолади.

Ҳикмет ЭРЕН,
Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси (EkoAvrasya) раҳбари (Туркия):

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёни тобора фаол равишда халқаро мулоқот майдонига айлантириб,



дунёнинг етакчи давлатлари ва йирик иқтисодий марказларини минтақа атрофида бирлаштирмоқда.

Самарқанд, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун минтақанинг келажаги муҳокама қилинадиган учрашувлар тобора кўпроқ ўтказилмоқда.

Бу фаоллашув ортида Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамжамият эътиборини Марказий Осиёга жалб этиш, унинг умумий манфаатлар ва узоқ муддатли мақсадларга эга минтақа сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсати турибди.

Самарқандда АҚШ Давлат котиби Марко Рубио иштирокида бўлиб ўтган мулоқот ушбу тенденциянинг давоми бўлди. АҚШ ва Марказий Осиёнинг бешта давлатини бирлаштирган “С5+1” формати жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар фонида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вашингтон минтақани энергетика, транспорт, ўта муҳим минераллар ва савдо соҳаларида салмоқли ҳамкор деб билади. Марказий Осиё мамлакатлари учун бу — инвестицияларни жалб қилиш, технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ва халқаро иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш имкониятидир.

Муҳими, минтақа нафақат ташқи ҳамкорларнинг ташаббусларига жавоб қайтармоқда, балки мулоқот кун тартибини тобора кўпроқ ўзи шакллантирмоқда.

Бундай дипломатияни илгари суришда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрни алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бир қаторда Туркия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Япония ва бошқа шериклар билан муносабатларни изчил ривожлантирмоқда.

Бундай ёндашув Тошкентга фақат бир йўналиш билан чекланиб қолмасдан, халқаро алоқаларни кенгайтириш имконини беради. Фикримча, Ўзбекистоннинг ҳозирги сиёсатидаги кучли жиҳатлардан бири — ташқи дунёга очиқликни минтақа мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда умумий иқтисодий тараққиёт учун шароит яратишга интилиш билан уйғунлаштира олганидадир.

Самарқанд бу борада рамзий майдонга айланмоқда. Шаҳар асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб, савдо ва маданий алмашинув маркази вазифасини ўтаган. Бугунги кунда бу тарихий миссия давом этмоқда: транспорт йўлаклари, энергетика лойиҳалари, рақамли иқтисодиёт ва ўта муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорлик Евроосиё алоқаларининг янги географиясини шакллантирмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё бозорларини Каспийбўйи минтақаси, Жанубий Кавказ, Туркия ва Европа билан боғлаган ҳолда, ушбу тизимнинг асосий бўғинларидан бирига айланиши мумкин.

Бугун Самарқанд минтақанинг глобал жараёнлардаги ўрни ортиб бораётганининг рамзига айланмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг фаол дипломатияси, унинг очиқлиги ва кенг халқаро мулоқотга интилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Рустам БУРНАШЕВ,
Қозоғистон — Германия университети профессори:

— АҚШ Давлат котибининг “Euronews”га берган интервьюсида



“Марказий Осиё сўнгги 20 йил ичида сиёсатчиларимиздан муносиб даражада эътибор олмаган”, деган фикри Самарқандда бўлиб ўтган “С5+1” форматидаги учрашувнинг асосий ғояси бўлди.

Бу билан Дональд Трамп маъмуриятининг минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши эълон қилинмоқда.

Марко Рубионинг сўзларига кўра, АҚШ минтақадаги иштирокини иқтисодий рақобат ва Марказий Осиё мамлакатларига ҳамкорликнинг қўшимча вариантларини таклиф қилиш имконияти сифатида кўради. Марказий Осиёнинг аҳамияти халқаро савдони ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш ва глобал таъминот занжирларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам ташрифнинг муҳим таркибий қисмидир.

АҚШ Давлат котибининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева, ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан турли учрашувлар ўтказгани диққатга сазовордир.

Самарқандда АҚШ Давлат котиби Марко Рубио иштирокида бўлиб ўтган мулоқот ушбу тенденциянинг давоми бўлди. АҚШ ва Марказий Осиёнинг бешта давлатини бирлаштирган “С5+1” формати жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар фонида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Денис МАНЧЕВИЧ,
Словения Янги университетининг халқаро муносабатлар кафедраси доценти:

— Ўзбекистон, умуман, минтақанинг жадал ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Жорий йилнинг май ойида амалга оширган сафарим чоғида мамлакатингизнинг ривожланиш суръати ва унинг улкан салоҳияти менда чуқур таассурот қолдирди.

АҚШ Давлат котибининг Самарқандга ташрифи Ўзбекистон олиб бораётган ташқи сиёсатнинг муваффақиятидан дарак беради. АҚШ учун бу геосиёсий жиҳатдан ғоят муҳим ва жадал ривожланаётган минтақада ўзининг стратегик иштирокини мустаҳкамлаш имкониятидир.

Ўзбекистон учун бу халқаро шерикликни диверсификация қилиш йўлидаги муҳим қадамдир.

АҚШнинг “С5+1” форматидаги иштироки хавфсизлик соҳасидаги умумий вазифаларни ҳал этиш ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу бутун минтақанинг янада барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун шароит яратади. АҚШ учун бу формат Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳада янада кенг қамровли ҳамкорлик қилиш имкониятларини очади.

Минтақада 200 та Америка компаниясининг фаолият юритаётгани иқтисодий манфаатларга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўрта йўлакни ривожлантириш, энергетика ва инфратузилмавий ўзаро боғлиқлик АҚШ, Ўзбекистон ва билвосита Европа манфаатлари сезиларли даражада мос келадиган йўналишлар сирасига киради.

Европа Иттифоқи, ўз навбатида, Словения нуқтаи назаридан, Марказий Осиёда



барқарорлик, суверенитет ва иқтисодий очиқликнинг мустаҳкамланиши ниҳоятда ижобий тенденциядир. Европа Иттифоқи, энг аввало, энергетика ва ўта муҳим хомашё соҳаларида етказиб бериш занжирларини диверсификация қилиш мақсадида ишончли шерикликни шакллантиришга фаол интилмоқда.

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши халқаро муносабатларнинг янада мувозанатли тизимини шакллантириш ва муқобил савдо йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилади, бу эса узоқ муддатли истиқболда Европанинг геосиёсий ва геоиқтисодий мавқеига ижобий таъсир кўрсатади.

Дэвид ЭЖИНГТОН,
Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши йиғилиши иштирокчиси, Американинг “KBR” компанияси стратегия ва ривожланиш бўйича минтақавий директори:

— Ўзбекистон ривожланаётган бозор сифатида америкалик инвесторларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўриб турибмизки, мамлакат ҳукумати тадбиркорликни ривожлантиришга бел боғлаган ва хориж лик шериклар билан ҳамкорликка очиқ.

Форум давомида биз “KBR” ва умуман Америка компаниялари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган кўплаб бизнес вакиллари билан учрашдик. Биз ушбу имкониятдан жуда мамнунмиз ва келгусидаги ўзаро ҳамкорлик учун яхши истиқболларни кўрмоқдамиз.

“KBR” асосан нефть-газ саноати ва инфратузилма лойиҳаларига ихтисослашган. Биз муҳандислик лойиҳаларини бошқариш, технологияларни лицензиялаш ҳамда бошқа техник ва муҳандислик ечимларини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатамиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда Америка бизнеси учун имкониятлар анча кенг бўлиб, нефть-газ сектори ва ахборот технологияларидан тортиб, инфратузилма, меҳмонхона бизнеси ва хизмат кўрсатиш соҳаларигача бўлган турли йўналишларни қамраб олади.

Фикримча, Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги тижорий муносабатларни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ўзаро манфаатдорлик, мулоқотга тайёрлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларининг уйғунлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга замин яратади.

Ўзбекистон хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан манфаатдорлигини намоён этмоқда. АҚШ билан мустаҳкам муносабатларнинг мавжудлиги ва мамлакатнинг халқаро шерикликка очиқлиги ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари, инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган механизмлар ва дастурлар хорижий компаниялар учун янги имкониятларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳамкорлик истиқболларига ишонч билан қараш имконини беради. Биз ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга умид қиламиз ва



истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқдамиз.

Узоқ муддатли шерикликни ривожлантиришда иштирок этган ҳолда, компаниямизнинг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш имкониятини интиқлик билан кутамиз.

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Самарқандда АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ва нуфузли Америка бизнес делегацияси иштирокидаги ҳамда “С5+1” форматидаги учрашувлар тарихий воқеа бўлди.

2015 йилда ушбу формат мазкур қадимий шаҳарда амалга оширилган эди. Ўшанда Вашингтон минтақага хавф-хатарлар ва ҳарбий таҳдидлар нуқтаи назаридан қараган.

Ўн бир йил ўтиб, биз тубдан бошқача манзарани кузатмоқдамиз. Гап шунчаки мулоқотнинг қайта тикланиши ҳақида эмас, балки АҚШнинг Марказий Осиёга мутлақо янги мақомда қайтиши ҳақида бормоқда.

АҚШнинг икки юздан ортиқ йирик корпорациялари раҳбарларининг Самарқандга ташрифи Вашингтон эндиликда минтақани хавфсиз ва юқори истиқболли савдо чорраҳаси сифатида кўраётганини англатади.

Бу ўзгаришлар Марказий Осиёдаги ички ўзгаришлар туфайли амалга ошди. 2017 йилдан буён Ўзбекистон минтақавий консолидациянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланди.

Қўшнилар билан кўп йиллик сув, чегара ва транспорт соҳаларидаги келишмовчиликларнинг ҳал этилиши, давлат раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувларининг йўлга қўйилиши Марказий Осиёни географик тушунчадан сиёсий жиҳатдан янада жипслашган минтақага айлантирди.

Бугунги кунда учрашувнинг аҳамияти Марказий Осиёнинг глобал геоиқтисодиётнинг мустақил маркази сифатидаги мақомини мустаҳкамлашдан иборат. Геосиёсий беқарорлик шароитида минтақа Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим кўприкка айланмоқда. АҚШ янги логистика занжирларини шакллантиришда иштирок этиш ва муҳим минераллар, технологиялар ҳамда энергия ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга интилмоқда.

Ушбу жараёнда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Бундай юқори даражадаги музокаралар учун Самарқанднинг танланиши мамлакатнинг минтақадаги дипломатик ва логистика маркази сифатидаги аҳамиятини ифодалайди. Ўзбекистон ўзининг салмоқли демографик салоҳияти ҳамда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ва Афғонистон билан умумий чегаралари туфайли йирик халқаро инвестиция ва ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш учун қулай шароитларга эга.

Самарқандда бўлиб ўтган “С5+1” учрашуви АҚШ ва Марказий Осиё муносабатларида муҳим босқич бўлиши мумкин. Вашингтон Марказий Осиёни ўз мустақиллигини мустаҳкамлаётган минтақа, Ўзбекистонни эса Евроосиё ҳамкорлиги ва иқтисодий интеграциясини ривожлантиришда муҳим бўғин сифатида кўрмоқда.

“Дунё” АА

Халқаро саммит

БОЛАЛАР УЧУН ХАВФСИЗ ВА МУНОСИБ КЕЛАЖАК муштарак мақсадга айланди

Кўплаб нуфузли халқаро тадбирларга мезбонлик қилаётган кўҳна ва навқирон Самарқанд янги ҳафта бошида яна бир йирик анжуман иштирокчиларига эшик очди. “Болалар фаровонлигига инвестиция: келажак авлодлар учун барқарор ва адолатли тараққиёт сари йўл” номли халқаро саммитда иштирок этиш учун 100 дан ортиқ мамлакатдан сиёсий етакчилар, вазирлар, экспертлар, халқаро ташкилотлар, бизнес ва фуқаролик жамияти вакиллари, шунингдек, болалар ҳамда ўсмирлар азим шаҳарда жам бўлди. Икки кун давом этадиган мазкур халқаро тадбирда болалар фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ энг муҳим масалалар муҳокама қилинади.

Куни кеча саммит доирасида меҳмонларга Ўзбекистонда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга комплекс хизматлар кўрсатиш ва инклюзив муҳитни ривожлантириш борасидаги амалий ёндашувлар намойиш этилди. Хусусан, иштирокчилар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, “Имкон” реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳамда “Нажот” болалар маркази (Barnahus) каби ижтимоий объектларда бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишди. Мамлакатимизда болалар фаровонлиги йўлида қилинаётган тизимли ишларни юқори баҳолашди.

Нуфузли тадбир иштирокчиларни болалар фаровонлиги билан боғлиқ энг устувор йўналишлар атрофида бирлаштиргани билан ҳам ғоят аҳамиятли. Чунончи, болаларга инвестиция киритиш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, болалар саломатлигини таъминловчи адолатли ва барқарор тизимларга маблағ йўналтириш, сифатли, инклюзив таълим ҳамда тенг имкониятларни кенгайтириш



каби йўналишлар бугуннинг энг долзарб масалаларидир.

Саммитнинг биринчи куни расмий очилиш маросими, юқори даражадаги ялпи йиғилишлар, болаларга кенг кўламли инвестициялар йўналтириш, ижтимоий ҳимоя ва болаларни ҳимоя қилишга бағишланган сессиялар кун тартибидан ўрин олган бўлса, болалар саломатлиги, эрта ривожланиш ва инклюзив таълим масалалари муҳокамаси ҳамда Болалар фаровонлигига инвестициялар тўғрисидаги Самарқанд декларациясини қабул қилиш иккинчи кунга режалаштирилган.

Шунингдек, саммит доирасида II Халқаро болалар онкологияси конгресси, мавзули муҳокамалар, икки томонлама учрашувлар ҳамда Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш соҳасидаги ислоҳотларга бағишланган кўргазма ташкил этилади.

II Халқаро болалар онкологияси конгрессида асосий эътибор ташхис қўйишдан тортиб, даволаш ва кейинги кузатувгача бўлган жараёнда боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёти сифатини яхшилаш ҳамда унинг оиласини қўллаб-қувватлашга қаратилади. Тадбир мутахассисларга ўзаро билим ва тажриба алмашиш, илмий ёндашувларни амалиёт билан боғлаш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилиш учун кенг шароит яратади.

Касалликларни ўз вақтида аниқлаш, замонавий диагностика, дори таъминоти, прецизион терапия, ўзак ҳужайралар трансплантацияси ва ҳужайра технологияларини ривожлантириш конгресснинг устувор йўналишлари бўлади. Шунингдек, реабилитация, паллиатив ёрдам, инфекция назорати ва болаларни узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам муҳокама қилинади. Бинобарин, ҳар бир бола сифатли тиббий ёрдам олиш, ғамхўрлик ва муносиб келажак имкониятига эга бўлиши керак.

Бугун болалар глобал чақириқлар — можаролар, иқлим ўзгариши, иқтисодий беқарорлик ва ортиб бораётган тенгсизликнинг энг оғир оқибатларини ҳис қилаётган гуруҳлар қаторида турибди. Шу маънода, саммит доирасидаги муҳокамалар марказида келажак авлод тақдирини белгилаб берувчи устувор йўналишлар туради.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 21 октябрь, 218-сон

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг кўп векторли ташқи сиёсати иқтисодий алоқаларни диверсификациялаш стратегиясининг бир қисми сифатида намоён бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон Хитой, Россия, Европа Иттифоқи ва бошқа ҳамкорлар билан алоқаларни сақлаган ҳолда АҚШ йўналишини ҳам ривожлантирмоқда.

Муносабат



> АҚШ нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Марказий Осиёга қизиқиш билдираётганининг яна бир муҳим сабаби минтақада ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганида, АҚШ сўнгги йилларда Ўзбекистонни минтақанинг асосий етакчиларидан бири сифатида кўра олаётганидир.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: СИЁСИЙ ИШОНЧДАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ



Нодирбек РАСУЛОВ, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Иккинчидан, тадбирга давлат раҳбарининг шахсан келиши ва иштирок этиши кенгашда кўриладиган лойиҳаларга давлат кафолати даражасидаги эътибор қаратилишини билдиради. Демак, америкалик инвесторлар учун бу энг кучли сигналдир.

Энди Ўзбекистон — АҚШ ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши ва унинг вазифаларига тўхталиб ўтсак. Икки давлат ўртасида тузилган мазкур кенгашни Президентлар келишувларининг изчил ижроси сифатида кўришимиз мумкин.

Кенгаш тасодифий тузилма эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланган, икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим стратегиядир. Кенгаш 2025 йил 4-6 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президентининг Вашингтонга ташрифи чоғида “С5+1” саммити доирасида эришилган келишув асосида ташкил этилган. Унинг биринчи йиғилиши 2026 йил 7 февралда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Иккинчи йиғилиш жорий йилнинг 6 апрелида Вашингтонда ўтказилди ҳамда у расман фаолият бошлади. Вашингтонда икки давлат ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Кеча Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиш шу жараённинг мантиқий давомидир.

Икки давлат ўртасидаги келишувлар натижасида сиёсий ишонч иқтисодий ҳамкорликка айланди. Буни биз кенгаш ташкил этилиши ҳамда икки давлат Президентлари ўртасидаги юксак даражадаги муносабатлар ривожланаётганида кўришимиз мумкин. Мутахассислар фикрича, бу ишонч амалий натижаларини бера бошлади. Хусусан, жорий йилнинг 25 июнь куни давлатимиз раҳбари АҚШ савдо вакили Жеймисон Грирни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолик масаласи ва янги лойиҳаларни илгари суришда кенгаш имкониятларидан фойдаланиш кенг муҳокама қилинди.

АҚШ нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Марказий Осиёга қизиқиш билдираётганининг яна бир муҳим сабаби минтақада ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганида, АҚШ сўнгги йилларда Ўзбекистонни минтақанинг асосий етакчиларидан бири сифатида кўра олаётганидир. Шу боис, “С5+1” вазирлар учрашуви ва бизнес кенгаши бир вақтда Самарқандда ўтказилаётгани бежиз эмас. Бу Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги мулоқотда марказий майдон ролини мустаҳкамлаётганини кўрсатади. АҚШ Давлат департаменти бу ташрифни тарихий деб атаб, у Марказий Осиё билан тижорат ҳамкорлигида янги даврни бошлашини алоҳида қайд этган.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг кўп векторли ташқи сиёсати иқтисодий алоқаларни диверсификациялаш стратегиясининг бир қисми сифатида намоён бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон Хитой, Россия, Европа Иттифоқи ва бошқа ҳамкорлар билан алоқаларни сақлаган ҳолда АҚШ йўналишини ҳам ривожлантирмоқда.

Энди биз Ўзбекистон — Америка ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши йиғилиши формати Ўзбекистонга нима беради деган саволга жавоб берсак.

Бундай форматдаги учрашувлар, энг аввало, Ўзбекистонга етакчи тармоқларни инвестициялаш ва узоқ муддатли молиялаштириш имкониятларини очиб беради. Чунки икки давлат ўртасида тузилган кенгаш Ўзбекистон учун инвестиция фонди тузилишини назорат қилади. Унда АҚШнинг Халқаро тараққиёт молия корпорацияси асосий бош инвестор сифатида муҳим ўрин тутади. Самарқандга ташриф буюрган америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича, Халқаро тараққиёт молия корпорацияси америкалик инвесторларни жалб қилишда кўмаклашади, инвестиция рисклларини бўлишади ва 2026 йилда қўшма инвестиция платформасини ишга туширишда ўз маслаҳатларини беради. Ҳозир дунёда юз бераётган геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар даврида хатарларни бўлишиш механизми, айниқса, муҳим.

Иккинчидан, устувор тармоқлар ва технологияларни ривожлантиришга замин яратилади. Хусусан, Ўзбекистон Президенти жорий йилнинг июнь ойида Америка компаниялари билан учрашувда муҳим минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, металлургия, молия, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳаларидаги аниқ лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратган. Сержио Гор билан учрашувда эса транспорт ва қишлоқ хўжалиги ҳам икки давлат ўртасидаги устувор йўналишлар қаторига киритилган. Бу соҳаларга жалб этилиши режалаштирилаётган АҚШ капитали ўзи билан замонавий технология, бошқарув тажрибаси ва юқори стандартларни олиб келишига шароит яратилади.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро савдо ва глобал иқтисодиётга интеграцияси тезлашади. Фаолиятини бошлаган кенгаш орқали мамлакатлар ўртасидаги савдони ривожлантириш борасидаги устуворликлар қаторига тарифларни пасайтириш бўйича музокаралар, Ўзбекистоннинг АҚШдаги инвестиция портфелини диверсификациялаш ва АТ-парк хизматларини АҚШ бозорида илгари суриш билан боғлиқ масалалар ҳал этилади. Яна бир жиҳати — АҚШ Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш интилишларини қўллаб-қувватлаётганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда фойдаланилмаётган мавжуд салоҳиятни ўзлаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Ҳозирча АҚШнинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши нисбатан кичик. Шу боис, келгусида икки давлат ўртасида муҳим минералларни ўзлаштириш ва чуқур қайта ишлаш орқали юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий ва барқарор энергетика тизимини ривожлантириш, маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш борасида келишувларга эришилди. Шу билан бирга, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва давлат бошқарувига сунъий интеллект ҳамда рақамли ечимларни жорий қилиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамкорликни янада кенгайтириш икки давлат ўртасидаги истиқболли йўналишлар сифатида эътироф этилди. Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашида умумий қиймати қарийб 12 миллиард АҚШ долларлик 54 та келишув ва истиқболли ташаббусдан иборат тўплам шакллантирилди. Уларни амалга ошириш учун комплекс ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади. Санаб ўтилган вазифалар, албатта, келгусида юртимиздаги мавжуд иқтисодий салоҳиятни ишга солишда муҳим омил бўлади.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — АҚШ ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши йиғилиши келажакда Ўзбекистонда давлат институтлари ва хусусий сектор ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштириш, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва қўшма бизнес ташаббусларини илгари суриш учун катта имконият яратади. Шу билан бирга, бундай учрашувларнинг самараси имзоланган ҳужжатлар сонига эмас, уларнинг ижросига боғлиқ. Демак, кенгаш йиғилиши келгусида икки давлат ўртасидаги муносабатлар сиёсий декларациялардан институционал кўринишга ҳамда натижага йўналтирилган иқтисодий шерикликка ўтаётганини кўрсатади. Ўзбекистон учун бу формат капитал, технология ва бозорларга кириш, ЖСТга интеграцияни жадаллаштириш ҳамда минтақавий ҳамкорлик марказига айланиш имконини беради. Унинг реал самарасини эса келгусида ишга тушадиган аниқ лойиҳалар, яратиладиган иш ўринлари ва маҳаллий қайта ишлаш даражаси белгилайди.

Қобул ТУРСУНОВ, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

Юқори қийматли ташаббуслар

Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг иккинчи йиғилишида умумий қиймати қарийб 12 миллиард долларлик 54 та келишув ва истиқболли ташаббусдан иборат тўплам шакллантирилгани маълум қилинди. Уларни амалга ошириш учун комплекс ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш белгиланди. Бу кўламдаги ташаббуслар икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорлик учун муҳим асосдир.

Йиғилишда инвесторлар учун тушунарли ва олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган шароитларни яратиш зарурлиги таъкидланди. “Plug and Play” тамойилига асосланган ёндашув доирасида сармоядорларга ер майдони, инфратузилма, рухсат олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал этилган тайёр лойиҳаларни таклиф қилиш кўзда тутилмоқда. Мазкур ёндашув инвесторларнинг вақтини маъмурий тартиб-таомилларга сарфлашини камайтириш ва бизнесни тезроқ йўлга қўйиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган.

Яна бир муҳим жиҳат ўзбекистонлик тадбиркорларнинг ҳамкор сифатида иштирок этиши ва инвестициявий хатарларнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши мумкинлигидир. Янги ташкил этилган Тўғридан тўғри инвестициялар жамғармасининг бундай лойиҳаларда қатнашиши ҳам назарда тутилган. Бу ёндашув халқаро сармоя билан маҳаллий тадбиркорлик ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун қўшимча имконият яратиши мумкин.

Инвестиция сиёсатидаги асосий вазифалардан бири сармояни жалб қилиш билан бирга унинг иқтисодиётдаги амалий самарасини таъминлашдир. Бунинг учун лойиҳаларнинг тайёрлиги, зарур инфратузилма, маъмурий жараёнларнинг аниқлиги ва маҳаллий ҳамкорларнинг иштироки муҳим. Самарқанддаги йиғилишда илгари сурилган ёндашувлар айнан шу масалаларга эътибор қаратилаётгани билан аҳамиятлидир.

КОМПЛЕКС ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР УЧУН МУҲИМ АСОС

Халқаро муносабатларда сиёсий мулоқотнинг ҳақиқий қиймати эришилган келишувларнинг амалий натижаси билан белгиланади. Давлатлар ўртасидаги ишонч ва ўзаро манфаатлар мустаҳкам бўлиши учун дипломатик алоқалар савдо, инвестиция, ишлаб чиқариш, технологиялар, таълим ва маданий-гуманитар ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топиши зарур.

Самарқандда 19 октябрь куни бўлиб ўтган учрашувлар айнан шу масалалар ҳақида фикр юритиш учун муҳим асос беради. “С5+1” форматидаги ташқи ишлар вазирлари учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари билан мулоқот қилди. Шунингдек, АҚШ Давлат котиби Марко Рубио билан учрашув ўтказди. Шу куни Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг иккинчи йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирлар мазмунида икки муҳим йўналиш яққол кўринади: бир томондан, Ўзбекистоннинг яқин қўшнилар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, иккинчи томондан эса, узоқ муддатли иқтисодий шерикликни кенгайтириш.

Сиёсий мулоқотнинг иқтисодий давоми

Самарқанддаги музокараларнинг яна бир муҳим йўналиши Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш бўлди. Президентимиз ва АҚШ Давлат котиби учрашувида сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестициялар, инновация ва технологиялар, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар “С5+1” форматидаги мулоқотнинг якунларини ҳам юқори баҳолади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқоти йўлга қўйилгани икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири сифатида қайд этилди. Унинг биринчи йиғилиши якунида қатор ҳужжатлар, жумладан, коинотни тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасидаги “Артемида” битимлари имзоланди. Бу ҳамкорлик кун тартибида сиёсий алоқалар ва анъанавий иқтисодий муносабатлар билан бирга янги технологик йўналишлар ҳам ўрин олаётганини англатади.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, йил бошидан буён икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 35 фоиз ошган. Фуқаро авиацияси, автомобилсозлик, кончилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, рақамлаштириш ва молия соҳаларида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Америка сармояси иштирокидаги юзлаб компаниялар фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз компаниялари ҳам АҚШ иқтисодиётига инвестиция кирита бошламоқда.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий алоқалар кенгаяётганини ифодалайди. Бироқ савдо ҳажмининг ўсиши ёки компаниялар сонининг ортиши ҳамкорликнинг барча имкониятлари ишга солинганини англатмайди. Кейинги босқичда алоқаларни барқарор қўшма лойиҳалар, янги ишлаб чиқариш тармоқлари, технологик алмашинув ва тадбиркорлар учун очиладиган қўшимча имкониятлар билан бойитиш муҳим. Сиёсий мулоқотнинг амалий аҳамияти ҳам айнан шунда намоён бўлади.

Хавфсизлик ва гуманитар алоқалар — шерикликнинг бошқа таянчлари

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги мулоқотда хавфсизлик масалалари ҳам муҳим ўрин тутди. Терроризм, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Бу икки томонлама муносабатлар фақат савдо ва инвестициялар билан чекланмай, халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизликка таалluқли масалаларни ҳам қамраб олишини кўрсатади.

Гуманитар алоқалар ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Тошкентда Вебстер университети, Америка технологиялар университети ва Колорадо кончилик мактабининг компетенциялар маркази фаолият юритмоқда. Ўзбекистонга келаётган америкалик сайёҳлар сони ҳам ортиб бораётгани қайд этилган.

Хулоса

Самарқанддаги учрашувлар ва ишбилармонлик кенгаши йиғилиши бир муҳим фикрни яна бир бор кўрсатади: халқаро шерикликнинг мустаҳкамлиги сиёсий мулоқот, иқтисодий манфаатлар ва аниқ амалий вазифаларнинг уйғунлигига боғлиқ. Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда савдо, транспорт, энергетика, саноат ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш муҳим бўлса, АҚШ билан муносабатларда инвестициялар, замонавий технологиялар ва узоқ муддатли иқтисодий дастурлар алоҳида ўрин тутмоқда.

Назаримизда, бугунги босқичда асосий эътибор келишувларнинг сонига эмас, уларнинг ижроси, ташаббусларнинг аниқ лойиҳаларга айланиши ва ҳамкорликдан кутилаётган натижаларга қаратилиши керак. Бу ёндашув минтақавий ҳамкорликка ҳам, халқаро инвестициявий шерикликка ҳам бирдек тааллуқли. Чунки келишувлар амалда бажарилгандагина барқарор иқтисодий алоқалар, янги имкониятлар ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўла олади.

Шу маънода, Самарқанддаги мулоқотларни алоҳида тадбирлар мажмуи сифатида эмас, балки Ўзбекистоннинг яқин қўшнилар билан муносабатларини ривожлантириш ва халқаро иқтисодий шерикликни кенгайтиришга қаратилган ўзаро боғлиқ жараён сифатида кўриш лозим. Эндиги вазифа — эришилган келишувларни изчил амалга ошириш, белгиланган ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш ва сиёсий мулоқотда яратилган имкониятларни амалий натижалар билан мустаҳкамлашдир.

12 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК КЕЛИШУВЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун Марказий Осиё бой табиий ресурслари, географик жойлашуви ва иқтисодий салоҳияти билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини тобора жалб этмоқда. Минтақа нафақат йирик сармоядорлар ва халқаро бизнес вакиллари, балки ривожланган давлатлар учун ҳам муҳим иқтисодий ҳамкорлик маконига айланиб бораётир. Айниқса, халқаро мулоқот майдонларида умумий манфаатлар йўлида ҳамжиҳат ҳаракатланиб, минтақани яхлит ижтимоий-иқтисодий макон сифатида намоён этаётгани Марказий Осиё давлатларининг халқаро нуфузи ва инвестициявий жозибадорлигини оширмоқда.

Шу йил 19 октябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “С5+1” форматидаги учрашувда ҳам бу жиҳат яққол кўзга ташланди. Минтақанинг бешта давлати ҳамда АҚШ вакиллари иштирок этган ушбу учрашув минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. “С5+1” форматидаги учрашув илк бор 2015 йили айни шу шаҳарда ташқи ишлар вазирлари даражасида ташкил этилган. Ушбу учрашув мамлакатлар иқтисодиёти ва ҳамкорлиги тараққиётида муҳим ўрин тутади. Айниқса, кейинги йилларда бундай платформаларнинг аҳамияти янада ортди. Жумладан, учрашувда замонавий технологияларга бой, халқаро бозорда ўз ўрнига эга АҚШдан ҳам вакилларнинг қатнашгани учрашувни минтақавий кўринишдан халқаро даражага олиб чиқади ва аҳамиятини каррасига оширади.

Хусусан, бу йилги учрашувда АҚШнинг 300 га яқин бизнес вакилларидан иборат делегацияси иштирок этаётгани Америка ишбилармон доираларининг Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё бозорига қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари кенгайиб, ҳамкорлик янада кучаймоқда. Биргина 2017-2025 йилларда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,7 баробар ортиб, 215 миллион доллардан 1 миллиард долларга етгани ҳам сўзимизни исботлайди. 2026 йилнинг тўққиз ойида ўзаро савдо қиймати 810 миллион доллардан ортиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиз ортиши ҳам иқтисодий ҳамкорлик салмоғи кун сайин кенгайиб бораётганини кўрсатади.



Машҳурбек ЖАЛОЛОВ, Банк-молия академияси проректори

Самарқанддаги учрашув кун тартибидан савдо ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш, саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда транспорт, энергетика ва рақамли инфратузилмани такомиллаштириш, биргаликда янги лойиҳа ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокамаси ўрин олди. Тадбир доирасида ўтказилган “С5+1” ишбилармонлик дастурида 400 дан ортиқ компания, жумладан, Американинг 100 дан зиёд компанияси, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан 100 та компания ҳамда Ўзбекистоннинг 200 та етакчи корхонаси вакиллари иштирок этди.

Америка делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўтказилган ишбилармонлик тадбирлари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди. Учрашувлар якунида савдо, инвестициялар ва технологик ҳамкорлик соҳаларини қамраб олган 54 та келишувдан иборат пакет имзоланди. Уларни амалга ошириш доирасида 12 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бу рақамлар ортида нафақат йирик сармоялар, балки янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, замонавий технологияларни жалб этиш, ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш ва тадбиркорлик учун янги имкониятлар очишдек муҳим вазифалар мужассам. Энг муҳими, бундай келишувлар иқтисодий ҳамкорликни аниқ лойиҳалар ва амалий натижалар билан бойитиш, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Самарқанддаги мулоқотнинг асосий аҳамияти дипломатик келишувларни иқтисодий имкониятларга, иқтисодий имкониятларни эса халқ фаровонлигига айлантиришда намоён бўлиши шубҳасиз.

Рақамли технологиялар тараққиётини тўхтатиб бўлмайди. Улар янада ривожланади, янги хизматлар, янги имкониятлар ва янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради. Бироқ улар билан бирга янги хавф-хатарлар ҳам пайдо бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 21 октябрь, 218-сон

yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Кун мавзуси

Бугун рақамли технологиялар ҳаётимизнинг деярли барча соҳасига кириб келди. Энди банкка бориб навбат кутиш шарт эмас. Бир неча сонияда телефон орқали пул ўтказиш мумкин. Коммунал тўловлар, солиқлар, давлат хизматлари, онлайн савдо, масофавий таълим ва ҳатто тиббий маслаҳатлар ҳам рақамли платформалар орқали амалга оширилмоқда.



Акром ТОШПЎЛАТОВ, Парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори

РАҚАМЛИ МАКОНДА МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК

Янги қонун фуқароларни қандай ҳимоя қилади?



Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кенгайтириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу жараён иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, давлат хизматларининг шаффофлигини таъминлаш ва аҳоли учун қулайлик яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ ҳар қандай янгиликнинг иккинчи томони ҳам бўлади. Технологиялардан нафақат ҳалол инсонлар, балки ёмон ниятли кимсалар ҳам фойдаланишни ўрганмоқда. Илгари фирибгарлик кўпроқ юзма-юз мулоқот орқали содир этилган бўлса, бугун у телефон, интернет, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, банк карталари, электрон ҳамёнлар ва ҳатто сунъий интеллект ёрдамида амалга оширилмоқда.

Шу боис, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан бир вақтда унинг ҳуқуқий ҳимоясини ҳам кучайтириш давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан “Киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ҳамда Сенатга юборилди. Қонундан асосий мақсад рақамли муҳитда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали фаолияти учун замонавий ҳуқуқий асос яратишдан иборат.

Нега айнан бугун бундай чора зарур бўлди?

Ҳар куни юзлаб фуқаро турли алдов ва товламачилик усуллари қурбони бўлиб, маблағидан айрилмоқда. Телефонга келган биргина қўнғироқ, сохта ҳавола, ёлғон хабарнома (SMS) ёки ўзини банк ходими сифатида таништирган шахс билан бир неча дақиқали суҳбат инсоннинг йиллаб тўплаган маблағини йўқотишига сабаб бўлиши мумкин.

Келинг, ҳаётда тез-тез учраб турадиган бир ҳолатни тасаввур қилайлик. Тошкент вилоятида яшовчи ёши улуғ аёлга кутилмаганда телефон қўнғироғи бўлади. Қўнғироқ қилган шахс ўзини банк ходими деб таништиради. У аёлнинг картасида гўё шубҳали операция ўтказилаётганини айтиб, маблағни сақлаб қолиш учун SMS орқали келган кодни айтишни сўрайди. Аёл хавотирга тушиб, кодни айтади. Бир неча дақиқа ўтмасдан ҳисобидаги барча маблағ бошқа ҳисобларга ўтказиб юборилади. Бу воқеада фирибгар на банкка кирди, на карта ўғирлади. У фақат инсоннинг ишончидан фойдаланди.

Кўпчилик “кибержиноят” деганда компьютерни хакерлик орқали бузиб кириш ёки мураккаб хакерлик ҳаракатларини тушунади. Аслида эса бугун кибержиноятларнинг катта қисми оддий инсонларни алдаш орқали содир этилмоқда.

Масалан, “Сиз 50 миллион сўм ютдингиз” деган хабар, арзон нархда автомобиль ёки квартира сотилаётгани ҳақидаги сохта эълон, ижтимоий тармоқларда қариндошининг аккаунти бузилиб, пул сўралган хабар, ўзини банк, солиқ органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими сифатида таништирган шахслар, инвестиция платформаси ёки криптовалюта орқали юқори даромад ваъда қилувчи фирибгарлар инсонларнинг алданиб қолишига сабаб бўлаётир.

Бундай ҳолатларда компьютер тизими эмас, инсон психологияси “бузилади”. Шунинг учун замонавий кибержиноятчилик ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муаммога айланиб улгурди.

Сўнгги вақтларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида “дроп” деган атама тез-тез қўлланмоқда. Оддий қилиб айтганда, “дроп” ўз банк картаси, электрон ҳамёни ёки банк ҳисоб рақамини бошқа шахсларга муайян ҳақ эвазига ёки бепул фойдаланиш учун бериб қўядиган шахсдир. Кўпчилик бундай ҳаракатнинг оқибати ҳақида ўйламайди.

Масалан, талаба ижтимоий тармоқ орқали “карта керак, ойига 1 миллион сўм тўлаймиз” деган таклифга рози бўлади. У ўз картасини бошқа шахсларга беради. Бир неча кундан кейин эса ўша карта орқали ўнлаб фирибгарлик маблағи айлантирилгани маълум бўлади. Натижада жиноятчилар изини яширади. Жабрланувчилар пулсиз қолади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса маблағнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш учун кўпроқ вақт сарфлайди.

Айнан шундай алдов ва товламачилик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мазкур қонун билан самарали ҳуқуқий механизмлар жорий этилади.

Жазони кучайтириш эмас, жиноятнинг олдини олиш

Янги қонунни ўқир эканмиз, ундаги ўзгаришларнинг аксарияти жиноят содир бўлишидан аввал унинг йўлини тўсишга қаратилганига гувоҳ бўламиз. Бунинг учун қонунда жиноятчиларнинг молиявий изларини тезроқ аниқлаш, фирибгарликда фойдаланилаётган банк карталари айланмасини чеклаш, рақамли хизматлардан жиноий мақсадларда фойдаланишнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш, интернет орқали содир этилаётган жиноятларга нисбатан ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, тергов органларига замонавий рақамли далиллар билан ишлаш имкониятларини кенгайтириш каби чоралар назарда тутилган. Киритилаётган ўзгартиришлар жиноятнинг содир этилиши эҳтимолини камайтиришга хизмат қилади.

Ҳар бир давр ўзининг ҳуқуқий ечимларини талаб қилади. Ўтган асрда қонунлар асосан анъанавий муносабатларни тартибга солган бўлса, бугун рақамли муҳит мутлақо янги ҳуқуқий ёндашувларни тақозо этмоқда.

Шу маънода, мазкур қонун алоҳида жиноятларни жазолашга қаратилган навбатдаги ҳуқуқий ҳужжат эмас. У рақамли жамият шароитида давлат, фуқаро ва бизнес ўртасида хавфсиз рақамли муносабатларни шакллантиришга хизмат қиладиган тизимли ҳуқуқий механизмдир. Қонуннинг асосий вазифаси жиноятчилар қўллаётган янги усулларга ҳуқуқий жиҳатдан муносиб жавоб беришдир.

Биринчи муҳим янгилик: интернет орқали содир этилган жиноятларга ҳуқуқий баҳо ўзгаради. Рақамлаштириш жараёнининг жадаллашуви натижасида фирибгарлик жиноятларининг салмоқли қисми интернет тармоғи ва бошқа рақамли платформалар орқали содир этилмоқда. Фуқаро телефон қўнғироғини қабул қилади. Телеграм орқали ҳавола келади. Ижтимоий тармоқда сохта дўкон очилади. Интернет орқали қарз таклиф қилинади. Натижада жиноят содир бўлади.

Амалда эса кўп ҳолларда жиноятнинг айнан рақамли технологиялар орқали содир этилгани жазо тайинлашда алоҳида ҳуқуқий аҳамият касб этмас эди. Қонун билан мазкур ёндашув қайта кўриб чиқилиб, интернет, телекоммуникация тармоқлари ёки оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиб, жиноят содир этилган ҳар қандай ҳолатда ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши белгиланган.



Иккинчи муҳим янгилик: “картамни вақтинча ишлатиб туринг” деган гап энди жиддий ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда фирибгарлик натижасида қўлга киритилган маблағларнинг ҳаракат йўналишини аниқлаш ҳамда уларни ўтказишда фойдаланилган ҳисоб-рақамлар ва бошқа молиявий воситаларни белгилаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги энг мураккаб вазифалардан бирига айланмоқда.

Амалдаги усуллар шундай ишлайди. Жиноятчи ҳеч қачон ўз картасидан фойдаланмайди. У талабалар, ишсизлар ёки осон даромад излаётган шахсларга мурожаат қилиб, уларнинг банк картаси ёки электрон ҳамёнидан фойдаланади.

Масалан, “бир ойга картангизни ижарага берсангиз, 2 миллион сўм тўлаймиз” деган таклифлар ижтимоий тармоқларда тез-тез учраб туради. Кўпчилик бунинг жиноят эканини англамайди. Аслида эса айнан шу карта орқали ўнлаб жабрланувчиларнинг маблағи айлантирилади.

Қонун мазкур занжирни узишга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизмларни таклиф қилмоқда. Хусусан, банк карталари, ҳисобварақлар ва электрон тўлов воситаларини жиноий мақсадларда бошқа шахсларга бериш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларга аниқ ҳуқуқий баҳо белгиланмоқда. Бу ўзгариш, биринчи навбатда, ҳалол фуқароларни ҳимоялашга хизмат қилади.

Учинчи муҳим янгилик: электрон ҳамён ва рақамли активлар соҳасида ҳам ҳуқуқий аниқлик пайдо бўлади. Бугун рақамли иқтисодиёт фақат банк карталаридан иборат эмас. Электрон ҳамёнлар, онлайн тўлов платформалари, рақамли активлар ва криптовалюта билан боғлиқ операциялар ҳам тобора оммалашмоқда. Мазкур жараён жиноятчилар учун янги имкониятлар яратмоқда.

Масалан, маблағ банк картасидан электрон ҳамёнга, ундан бошқа мамлакатдаги криптоҳамёнга, кейин эса яна бошқа ҳисобга ўтказилиши мумкин. Бир неча дақиқада пулнинг ҳақиқий ҳаракат йўлини аниқлаш жуда қийинлашади.

Шу сабабли қонун билан электрон тўлов воситалари ва улардан жиноий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмлар ҳам такомиллаштирилди. Бу ўзгаришлар рақамли молия бозорининг барқарор ривожланиши учун ҳам муҳим.

Тўртинчи муҳим янгилик: терговнинг замонавий воситалари кенгаяди. Кибержиноятларни тергов қилиш оддий жиноятларни очишдан тубдан фарқ қилади. Агар анъанавий жиноятда гувоҳлар, излар ёки ашёвий далиллар асосий аҳамиятга эга бўлса, рақамли жиноятларда электрон маълумотлар, IP манзиллар, сервер журналлари, банк операциялари ва рақамли транзакциялар асосий далил бўлади. Бундай маълумотларни тезкор олиш имконияти бўлмаса, жиноятчилар маблағни бир неча дақиқада бошқа давлатларга ўтказиб юбориши мумкин.

Шунинг учун қонунда айрим процессуал механизмларни замонавий рақамли муносабатларга мослаштириш назарда тутилган. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кибержиноятларни тезроқ фош этиш имконини беради.

Қонуннинг асосий таъсири фирибгарлик усулларини ташкил қилаётган, бошқаларнинг картасидан фойдаланаётган, сохта ҳисоблар очаётган, интернет орқали оммавий алдовлар уюштириб келаётган шахсларга қаратилади.

Шу маънода, мазкур ҳужжат рақамли маконда жиноятдан даромад топишга уринаётган шахслар учун жиддий огоҳлантириш вазифасини бажаради.

Ҳеч бир қонун фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва эҳтиётқорлигисиз тўлиқ самара бермайди. Масалан, қонун банк картасини бошқа шахсларга бермасликни талаб қилиши мумкин. Лекин инсон осон даромад олинжида ўз картасини ихтиёрий равишда бошқаларга тақдим этса, энг аввало, ўзи хавф остида қолади.

Ёки банк ҳеч қачон SMS орқали келган тасдиқлаш кодини сўрамаслиги ҳақида миллион марта огоҳлантириш мумкин. Аммо фуқаро ишониб кодни айтса, фирибгар учун эшикни айнан ўзи очиб берган бўлади. Шунинг учун мазкур қонунни мамлакатимизда рақамли ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қиладиган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Бир қарашда кибержиноятчилик алоҳида шахслар ўртасидаги фирибгарликдек кўринади. Аслида, унинг таъсир доираси анча кенг. Бугун рақамли технологиялар банк тизими, давлат хизматлари, электрон тижорат, солиқ маъмуриятчилиги, инвестициялар, ташқи савдо ва молия бозорларининг асосий инфратузилмасига айланган. Демак, рақамли муҳитдаги хавфсизлик энди бутун иқтисодиёт барқарорлигининг ҳам муҳим шартидир.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кибержиноятчилик оқибатида етказилаётган зарар йилдан йилга ошиб бормоқда. Халқаро таҳлилларга кўра, бу тенденция сақланиб қолса, яқин йилларда кибержиноятлар туфайли жаҳон иқтисодиёти кўрадиган зарар триллионлаб АҚШ долларига етиши мумкин. Бу рақамлар киберхавфсизликни миллий иқтисодий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида кўриш зарурлигини намоён этади.

Тасаввур қилайлик: ёш оила бир неча йил давомида уй харид қилиш учун маблағ жамғарди. Интернетдаги сохта ипотека ёки инвестиция таклифига ишониб, бутун маблағини фирибгарларга ўтказиб юборди.

Бу ерда фақат битта банк ҳисобварағи бўшаб қолгани йўқ. Оиланинг келажак режалари кечикади, банк тизимига ишонч пасаяди, аҳоли рақамли хизматлардан эҳтиёткорлик билан фойдалана бошлайди. Натижада рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш суръатига ҳам салбий таъсир кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам кибержиноятчиликка қарши курашиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишидир.

Энг муҳим капитал — ишонч

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва электрон тўлов тизимларини кенгайтириш бўйича изчил ишлар бажарилаётир. Бу ислоҳотларнинг муваффақияти эса, энг аввало, аҳолининг ишончига боғлиқ.

Агар инсон телефон орқали пул ўтказишдан қўрқса, интернет дўконларига ишонмаса ёки электрон хизматлардан хавфсираса, рақамлаштиришдан кутилаётган иқтисодий самарага эришиш қийин бўлади.

Демак, рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим капитали технология эмас, ишончдир. Мазкур қонун айнан ана шу ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун хорижий инвестор мамлакатнинг солиқ сиёсати ёки бозор ҳажми билан бирга киберхавфсизлик даражасини ҳам баҳолайди. Чунки ҳар қандай замонавий ишлаб чиқариш, банк тизими, логистика маркази ёки финтех компанияси ўз фаолиятида рақамли технологияларга таянади. Агар мамлакатда электрон операцияларни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизмлар етарли бўлмаса, инвесторнинг таваккалчилиги ортиб боради. Шу нуқтаи назардан, кибержиноятчиликка қарши самарали қонунчилик инвестиция муҳитининг ҳам муҳим таркибий қисмидир.

Ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам рақамли муҳитда содир этиладиган жиноятларга нисбатан ҳуқуқий чоралар босқичма-босқич кучайтирилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқида ахборот тизимларига қарши жиноятлар, шахсий маълумотларни ноқонуний эгаллаш, электрон тўлов воситалари орқали фирибгарлик ва рақамли идентификация воситаларидан жиноий мақсадларда фойдаланиш учун жавобгарликка оид умумий ҳуқуқий стандартлар шакллантирилган.

АҚШда электрон молиявий фирибгарлик, банк карталари маълумотларини ўғирлаш, электрон алоқа воситалари орқали фирибгарлик ҳамда кибержиноятлар федерал даражада оғир жиноят сифатида баҳоланади.

Сингапур, Жанубий Корея ва Япония каби рақамли иқтисодиёти юқори ривожланган мамлакатларда эса электрон тўлов тизимлари хавфсизлигига миллий иқтисодий хавфсизликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт қанчалик ривожланса, уни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизмлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиши лозим.

Бизнес учун ҳам муҳим

Айримлар “бу қонун фақат жиноятчиларга қарши қабул қилинмоқда”, деб ўйлаши мумкин. Аслида эса унинг бевосита манфаатдорлари орасида тадбиркорлар ҳам бор.

Онлайн савдо платформалари, тўлов ташкилотлари, маркетплейслар, электрон хизмат кўрсатувчи компаниялар, логистика операторлари ва финтех лойиҳалари хавфсиз рақамли муҳитсиз барқарор ривожлана олмайди.

Фирибгарликлар кўпайса, биринчи навбатда, бизнеснинг ўзи зарар кўради. Мижозлар ишончини йўқотган бозор узоқ муддатли ривожлана олмайди. Шунинг учун мазкур қонун рақобат муҳитини ҳам ҳимоя қилади.

Қонунни таҳлил қилар эканмиз, яна бир муҳим жиҳат эътиборни тортади. Унда жиноятнинг олдини олишга хизмат қилувчи механизмларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу замонавий ҳуқуқ сиёсатининг асосий тамойилларидан биридир. Чунки ҳар қандай фирибгарликдан кейин пулни қайтариш осон эмас. Аммо унинг содир бўлишига имкон бермаслик кўп жиҳатдан самаралидир.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, банк карталари айланмасини тартибга солиш, электрон тўлов воситалари билан боғлиқ муносабатларни аниқ ҳуқуқий қоидалар асосида белгилаш ҳамда рақамли муҳитда жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатларини кучайтириш профилактиканинг муҳим воситасига айланади.

Қонун мамлакатимиздаги кенг кўламли рақамли ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида баҳоланиши лозим. Чунки давлат бир томондан рақамли иқтисодиётни ривожлантирар экан, иккинчи томондан унинг хавфсизлигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ҳам такомиллаштириб бориши табиий. Бу эса *“рақамлаштириш — ҳуқуқий муҳофаза — жамоат ишончи”* занжирининг барқарор ишлашини таъминлайди.

Ҳуқуқ тараққиётдан ортда қолмаслиги керак. Бу — ҳуқуқий давлат қуришнинг энг муҳим талабларидан. Жамиятда янги муносабатлар пайдо бўлар экан, уларни тартибга соладиган ҳуқуқий механизмлар ҳам замон билан ҳамқадам ривожланиб бориши зарур. Биз ана шундай тарихий босқичда турибмиз.

Бугун рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш, давлат бошқаруви тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш, электрон давлат хизматлари кўлами ва сифатини ошириш, шунингдек, инновацион ечимларни амалиётга кенг татбиқ этиш мамлакатимиз тараққиётининг устувор стратегик йўналишлари қаторига киритилган. Бу ўзгаришлар одамларнинг кундалик турмуш тарзини енгиллаштирмоқда. Давлат хизматларининг очиқлиги ва самарадорлигини оширмоқда. Тадбиркорлик учун янги имкониятлар яратмоқда. Аммо рақамлаштиришнинг ҳақиқий самараси технологиялардан хавфсиз фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Кўпинча кибержиноятчиликка қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида қабул қилинади. Аслида эса рақамли хавфсизликни таъминлашда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ташкилот ва ҳар бир давлат органининг ўз ўрни бор. Банклар замонавий ҳимоя тизимларини жорий этади. Телекоммуникация операторлари ахборот хавфсизлигини таъминлайди. Давлат органлари ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиради. Таълим муассасалари рақамли саводхонликни оширади. Оммавий ахборот воситалари аҳолини огоҳлантиради. Фуқаролар эса шахсий маълумотлари ва молиявий ресурсларига масъулият билан муносабатда бўлади.

Мана шу занжирнинг бирор бўғини заифлашса, бутун тизимнинг самарадорлиги пасаяди. Шу боис, киберхавфсизликни таъминлаш умуммиллий вазифага айланмоқда.

Ҳеч қандай қонун ҳар бир инсоннинг телефони ёнида туриб, уни фирибгардан ҳимоя қила олмайди. Ҳеч қандай ҳуқуқий норма инсоннинг ўрнига қарор қабул қилмайди. Ҳеч қандай давлат органи фуқаро ўз ихтиёри билан фирибгарга юборган SMS кодни қайтариб бера олмайди. Шунинг учун рақамли хавфсизликнинг биринчи ва энг муҳим шарти ҳуқуқий маданиятдир.

Энг катта натижа нимада?

Бу саволга жавобни олди олинган жиноятлар сони билан баҳолаш тўғрироқ бўлади. Агар янги ҳуқуқий механизмлар натижасида фуқаролар банк карталарини бошқаларга бермай қўйса, интернет фирибгарлиги қурбонлари камайса, рақамли хизматларга ишонч ортса, тадбиркорлар электрон тижоратдан хавфсиз фойдаланса, банк тизими барқарорлиги мустаҳкамланса, тергов органлари кибержиноятларни тезроқ фош эта олса, демак, қонун ўзининг асосий вазифасини бажарган бўлади. Чунки замонавий ҳуқуқнинг энг муҳим мезони хавфни камайтиришдир.

Рақамли иқтисодиёт ҳам, электрон давлат хизматлари ҳам, сунъий интеллект технологиялари ҳам, финтех соҳаси ҳам, ахборот тизимлари ҳам, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Мазкур қонун айнан шу мақсадга хизмат қилувчи ҳуқуқий ислоҳотлардан биридир. У рақамли тараққиётни чекламайди. Аксинча, унинг хавфсиз ривожланиши учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтиради. Энг муҳими, ушбу қонун фуқароларнинг шахсий мулки, молиявий хавфсизлиги ва рақамли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу эса ҳар бир инсоннинг давлатга, қонунга ва рақамли хизматларга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рақамли технологиялар тараққиётини тўхтатиб бўлмайди. Улар янада ривожланади, янги хизматлар, янги имкониятлар ва янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради. Бироқ улар билан бирга янги хавф-хатарлар ҳам пайдо бўлади. Шундай экан, ҳуқуқ ҳам тараққиёт билан бирга ҳаракат қилиши шарт.

Қонун ана шу эҳтиёжнинг ҳуқуқий ифодасидир. У рақамли маконда жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда янги Ўзбекистонда хавфсиз рақамли муҳитни барпо этишга хизмат қилади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 21 октябрь, 218-сон

5

Замонавий дунёда давлатларнинг қудрати фақат табиий бойликлар ҳажми билан эмас, уларни юқори қўшилган қийматга айлантира оладиган билим ва технологиялар билан ҳам ўлчанмоқда.



Таълим ва инновация

ТАРАККИЁТНИНГ ЯНГИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ



Шерзод НЕЪМАТОВ,
Қарши давлат техника университети ректори

Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим таянчи билимли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, замонавий фикрлайдиган ва янгилик яратишга қодир инсон капиталидир. Мамлакатимизда таълим ва илм-фан ривожига қаратилаётган юксак эътибор замирида ҳам айнан шу ҳаётий ҳақиқат мужассам. Зеро, бугун таълимга киритилган сармоя эртанги куннинг иқтисодий қудрати, илмий кашфиётлари ва технологик мустақиллиги учун мустаҳкам пойдевордир.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 3 октябрдаги фармони асосида Таълим ва илм-фан вазирлиги ташкил этилиши эса ушбу стратегик сиёсатнинг мантиқий давоми, таълим тизимида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берувчи муҳим институционал ислоҳот бўлди. Унинг туб моҳияти мактабгача таълимдан тортиб, олий таълим ва илмий тадқиқотларгача бўлган жараёнларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийликни мустаҳкамлашдан иборат.

Стратегия: мақсад, ҳаракат ва натижа

Замонавий дунёда давлатларнинг қудрати фақат табиий бойликлар ҳажми билан эмас, уларни юқори қўшилган қийматга айлантира оладиган билим ва технологиялар билан ҳам ўлчанмоқда. Кеча саноат учун яхши мутахассис тайёрлаш кифоя қилган бўлса, бугун ишлаб чиқаришга янги ечим таклиф этадиган, энергияни тежайдиган, рақамли тизимларни бошқарадиган, ўз ғоясини маҳсулотга айлантира оладиган муҳандис зарур.

Қашқадарё бу ўзгаришнинг аҳамиятини, айниқса, яққол ҳис этадиган ҳудуд. Нефть-газ, газ кимёси, энергетика, қурилиш, транспорт ва агросаноат тармоқлари ривожланган минтақада илм-фан билан корхона ўртасидаги масофа қанча қисқарса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча ортади. Шу маънода Қарши давлат техника университетининг трансформация стратегияси битта олийгоҳнинг ички режаси эмас, балки ҳудуднинг интеллектуал ва технологик имкониятларини янги босқичга кўтаришга қаратилган ташаббусдир.

Президентимизнинг 2024 йил 10 декабрдаги қарори асосида тўртта олий таълим муассасаси негизида ташкил этилган университетимиз олдида мураккаб, аммо муҳим вазифа турибди: турли таълим ва илмий анъаналарни ягона мақсад атрофида бирлаштириш. Бу жараёнда асосий мезон битирувчининг рақобатбардошлиги, тадқиқотнинг иқтисодий қиймати ва жамият учун келтирадиган нафидир. Университетнинг 2027 йилга мўлжалланган режаларига айнан шу нуқтаи назардан қараш керак.

Салоҳиятдан самарага

Олийгоҳ фаолиятини баҳолашда кўплаб рақамларни келтириш мумкин. Бироқ уларнинг ҳар бири таълим сифатига ва реал ҳаётга қандай таъсир қилди деган саволга жавоб бериши лозим. Сўнгги икки йилда университетимиз илмий салоҳияти 42 фоиздан 52,1 фоизга етди. Бу илмий даражали педагоглар улуши ортиб бораётганини англатади. Аммо унинг ҳақиқий қиймати талабаларни тадқиқотга жалб этиш, корхоналар муаммосига илмий ёндашиш ва янги ишланмалар яратишда намоён бўлади.

Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 26 та янги бакалавриат ва магистратура йўналиши, 45 та кечки ҳамда 13 та масофавий таълим шакли жорий этилди. Бу, бир томондан, турли ёш ва бандлик ҳолатидаги инсонларга билим олиш имконини беради. Иккинчи томондан, таълим таклифи меҳнат бозори талабига тезроқ мослашиши учун шароит яратади. Шунга қарамай, йўналишларни кўпайтиришнинг ўзи етарли эмас: уларнинг мазмуни, лаборатория базаси ва иш берувчилар билан боғлиқлиги доимий баҳоланиши шарт.

Таълим мазмуни халқаро стандартларга яқинлаштирилиб, 234 та фан дастури дунёнинг ТОП-300 олийгоҳлари дастурларига мослаштирилди, 12 та махсус гуруҳда дарслар тўлиқ хорижий тилда ўтилади. Бундай янгиланишлар талабанинг таҳлил қилиш, тажриба ўтказиш ва муаммони мустақил ҳал этиш кўникмасини кучайтиради.

Дуал таълим мантиғи

Муҳандисни фақат аудиторияда тайёрлаб бўлмайди. Чунки ҳақиқий технологик жараён назарий мисолларга қараганда мураккаброқ: унда хавфсизлик, вақт, ресурс, жамоа масъулияти ва иқтисодий натижа бир вақтнинг ўзида ҳисобга олинади. Шу боис, университет стратегиясида дуал таълимга марказий ўрин берилган. 10 дан ортиқ йирик



корхона билан ҳамкорликда “Касб эгаси” дастури доирасида 635, ёқилғи-энергетика тизимида эса 435 талаба ишлаб чиқариш билан интеграция қилинди.

Ҳозирнинг ўзида талабаларнинг йирик иш берувчилар билан ҳамкорликда амалиётга жалб этилаётгани бу йўналиш учун асос яратган. Кейинги босқичда Германия тажрибасига таяниб, ўқув вақтининг ярмини университетдаги назарий машғулотларга, ярмини эса ҳамкор корхоналардаги амалий тайёргарликка ажратиш режалаштирилган. “Uzbekistan GTL”, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводи каби корхоналар бу моделда муҳим ҳамкор сифатида кўрсатилган.

Режалаштирилган блокли ўқитиш тизимида талаба бир давр назарий билим ва техник тилни ўрганса, кейинги даврда бевосита саноат муҳитида ишлайди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, назария билан амалиёт ўртасидаги боғланиш узвийлик касб этади.

Яна бир муҳим янгилик — корхона мутахассисларини таълим жараёнининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш. Саноат менторларини тайёрлаш ва баҳолашда уларнинг улушини белгилаш кўзда тутилган. Бу иш берувчи масъулиятини оширади, университетни эса реал касбий талабларга яқинлаштиради.

Бироқ бундай тизим ўз-ўзидан ишлаб кетмайди. Корхонадаги ўқув вазифалари, меҳнат муҳофазаси, менторлар малакаси ва баҳолаш мезонлари аниқ бўлиши керак. Акс ҳолда, амалиёт арзон ишчи кучидан фойдаланишга айланиб қолиши мумкин. Трансформациянинг муваффақияти айнан шу сифат кафолатларига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ечими

Қарши давлат техника университетининг истиқболдаги режасида саноат магистратураси ва “Industrial PhD” ёндашувига эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Унга кўра, магистрлик ва докторлик тадқиқотлари корхоналардаги ҳақиқий технологик муаммолар, энергия самарадорлиги, газ-кимё жараёнлари ва рақамли транспорт ечимлари билан боғланиши назарда тутилган. Бу илмий изланишни қоғоздаги натижадан амалиётда синовдан ўтган ечимга айлантириш имконини беради.

Илмий салоҳиятни “Industrial PhD” тизими асосида 60 фоизга етказиш мақсади белгиланган. Бу маррага етишда диссертациялар сонидан кўра уларнинг мазмуни, мустақил экспертизаси ва натижалар жорий этилиши ҳал қилувчи бўлиши керак.

Илмий фаолият натижалари рақамлаштирилади ва “Dspace”, dspace.kstu.uz рақамли платформаси ишга туширилади, натижада профессор-ўқитувчилар ва докторантларнинг илмий мақолалари, патентлари ва ихтиролари ягона электрон базага жамланади.

Очиқ ва тартибли илмий ахборот тадқиқотлар такрорланишининг олдини олади, ҳамкор топишни енгиллаштиради, ёш олимларга илмий мактаблар фаолиятини кўриш имконини беради. Натижада университет фаолиятига қанча тадқиқот ўтказилгани эмас, балки қайси тадқиқот туфайли қандай муаммо ҳал этилгани ва уларнинг самарасига қараб ҳам баҳо бериш мумкин бўлади.

Яна бир гап. Академик аудит ва 100 фоиз модулли тизимга ўтилади. Анъанавий, назарияга асосланган ўқув режалари такомиллаштирилади. АҚШнинг Массачусетс технология институти тажрибаси асосида “Problem-Based Learning” (муаммога йўналтирилган ўқитиш) тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Инновациянинг иқтисодий йўли

Илмий ишланма қанчалик истиқболли бўлмасин, у ишлаб чиқариш ёки бозорга етиб бормаса, аҳамиятли эмас. Шу сабабли илмий фаолиятда давлат дастурлари доирасида 9,8 миллиард сўмлик 8 та йирик илмий лойиҳа ҳамда саноат буюртмаси асосида 6,5 миллиард сўмлик 10 та хўжалик шартномаси бажарилди. Натижада 4 та янги спин-офф инновацион корхонаси ишга туширилди.

Илм-фанни тижоратлаштириш ва “венчур экотизими” йўлга қўйилади. “Qarshi Tech Venture Fund” ташкил этилади. Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва йирик саноат ҳамкорлари кўмагида бошланғич капитали 1 миллиард сўм бўлган илмий стартаплар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш фонди тузилади. Бу фонд орқали иқтидорли талабалар ва олимларнинг лойиҳалари тўғридан тўғри молиялаштирилади.

Йирик саноат корхоналаридаги технологик муаммоларнинг рақамли платформаси яратилади. “Uzbekistan GTL”, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводи каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг реал технологик муаммолари банки рақамлаштирилади ва олимлар учун очиқ грант танловлари сифатида эълон қилинади. Бу анъанавий тартибни ўзгартиради. Олим аввалгидай мавзуни, кейин унинг қўлланиш соҳасини изламайди, балки ишлаб чиқаришдаги аниқ эҳтиёж тадқиқотига буюртма беради. Бунинг натижасида саноат буюртмалари асосидаги лойиҳалар ҳажмини йилига 10 миллиард сўмга етказиш имкони пайдо бўлади.

Университетда Муҳандислик илмий-ишлаб чиқариш маркази (fab-lab) ташкил этилгани, унда касбга ўргатиш ва хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилгани бу жараён учун амалий майдондир.

Марказ таркибидаги 6 та цех ва 4 та лаборатория орқали 148 талаба иш билан таъминланиб, 15 дан ортиқ йўналишда касбга ўргатиш ва 20 га яқин хизмат тури кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Рақамли саноат ва “яшил” энергетика

Саноатнинг келажаги кўпроқ хомашё сарфлашда эмас, мавжуд ресурсдан ақлли фойдаланишда. Рақамли дастурлар, роботлаштирилган тизимлар, сунъий интеллект ва катта маълумотлар бугунги муҳандисликнинг янги иш қуролларига айланмоқда. Университетда “Саноат 4.0” йўналишида миллий муҳандислик маркази яратилиши айнан шу ўзгаришларга жавоб беришга қаратилган.

Бундан ташқари, лойиҳа қиймати 9 миллиард сўм бўлган Тадқиқот ва ишланмалар маркази негизида роботлаштирилган тизимлар, саноат автоматикаси ва корхоналарнинг рақамли эгизакларини (Digital Twins) яратувчи республика даражасидаги илғор марказ шакллантирилади.

“Сунъий интеллект” ва “Киберфизик тизимлар” суперлабораториялари яратилади. Миқдори 200 минг АҚШ доллари бўлган янги лаборатория нефть-газ қидируви, сейсмик таҳлил, вилоятдаги сув ва энергия ресурсларини “катта маълумотлар” (Big Data) ва нейротармоқлар орқали ақлли бошқариш тизимларини ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Водород энергетикаси ва “яшил” муҳандислик илмий мактаби ташкил этилади. Мазкур лойиҳа доирасида Қашқадарёнинг қуёш ва шамол салоҳиятидан фойдаланиб, келажак ёқилғиси бўлган водород энергетикаси ва муқобил энергия манбаларини тадқиқ этувчи лаборатория ишга туширилади. У 4 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Масофавий таълим (LMS) платформасини такомиллаштириш орқали мавжуд 86 та бакалавриат таълим йўналиши ва 71 та магистратура мутахассислигининг рақамли таълим контенти сунъий интеллект ва робототехника модуллари билан бойитилади.

Университет ҳудудида энергия тежамкор, чиқиндиларни камайтирадиган ва рақамли бошқариладиган “яшил кампус” шакллантириш ғояси ҳам шу мантиқнинг давомидир. Олийгоҳ ўз талабаларига экологик масъулиятни фақат маърузада эмас, кундалик фаолиятида кўрсата олса, таълимнинг таъсири янада кучаяди.

Тил, сифат ва ишонч

Глобал меҳнат бозорида муҳандиснинг билими халқаро профессионал муҳит билан мулоқот қила олиш қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун университетда хорижий тиллар, қўшма таълим ва академик мобилликка эътибор кучаймоқда. Хусусан, немис тили маркази очилиши, хорижлик профессорлар жалб қилиниши ва халқаро дастурларда иштирок этиш тажрибаси кейинги босқич учун муҳим асосдир.

“Икки тилли олим ва муҳандис” концепциясига кўра, талабалар мутахассислик боғлаган ҳолда инглиз ва немис тилларини чуқурроқ ўзлаштириши кўзда тутилган. Бунинг аҳамияти фақат хорижда ишлаш имконияти билан чекланмайди. Техник ҳужжатларни асл манбада ўқиш, халқаро стандартларни тушуниш, хорижлик ҳамкасблар билан қўшма лойиҳа юритиш ҳам тил билишни талаб қилади.

Хитойнинг Тиангонг университети билан қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш, халқаро аккредитацияга тайёргарлик кўриш ва дунёнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликни кенгайтириш режалари ҳам таълим сифатини ташқи мезонлар асосида баҳолашга йўналтирилган. Бундай жараёнда дипломнинг халқаро тан олиниши муҳим, аммо ундан ҳам муҳими битирувчининг билими ва кўникмаси халқаро талабга жавоб беришидир.

Инсон, трансформация ва барқарорлик

Ҳар қандай катта ислоҳотнинг пировард натижаси инсон ҳаётида намоён бўлади. Шу боис, университет стратегиясида фақат лаборатория, таълим дастури ёки халқаро рейтинг эмас, талабаларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланишига ҳам ўрин берилгани муҳим. Китобхонликни рағбатлантириш, спорт инфратузилмасини кенгайтириш, маҳалла ёшлари учун замонавий касбларга ўқитиш курсларини ташкил этиш режалари олийгоҳнинг жамият олдидаги масъулиятини кенгроқ талқин этади.

Талабалар билан манзилли ишлашни рақамлаштирувчи “Тьютор ахборот тизими” уларнинг эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Аммо рақамли мониторингнинг мақсади фақат маълумот йиғиш эмас, ёшларга самарали ёрдам кўрсатиш бўлиши шарт. Хусусан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълимда қийинчиликка дуч келган талабалар билан ишлаш ва касбга йўналтиришда инсонга эътибор тамойили устуворлиги сақланиб қолиши зарур.

Муҳандислик соҳаларида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, уларнинг стартап ва касбий ташаббусларини рағбатлантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Имкониятлар қанчалик тенг бўлса, мамлакатнинг интеллектуал захираси шунчалик тўлиқ ишга тушади.

Албатта, вазифалар кўлами катта. Уларнинг амалга ошиши молиявий ресурслар, бошқарув интизоми, корхоналар билан ҳақиқий ҳамкорлик ва энг муҳими, натижаларни холис баҳолашга боғлиқ. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ муддат, масъул ижрочи ва мақсадли кўрсаткичлар ижроси режаларни амалий ҳаракатга айлантиради.



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ПАРКИ ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ РУҲ УСТУВОР

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ҳамда бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги энг бой ва қадимий тиллардан. 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил одим эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.



Азамат КАРАМАТОВ,
“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ бош директори

Истиқлол йилларида ўзбек тили том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди. Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янада юксак босқичига кўтарилмоқда.

Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланаётган тилимиз бугун халқаро минбарларда ҳам баралла янграмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар бир мустақил ва суверен давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданияти, азалий қадриятлари ва она тилини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий. Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ўсиб келаётган ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди.

Айнан ушбу тарихий фармон ижросини таъминлаш билан бирга ўзлигимизни ҳамда миллий қадриятларимизни юксак даражада қадрлаган ҳолда бугун “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (IT-Park) жамоасида давлат тилида иш юритиш маданиятини юксалтириш ва ходимларнинг саводхонлигини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун IT-Park мамлакатимиз тараққиётининг драйвери сифатида энг шижоатли ва энг ёш жамоалардан. Ташкилотимизнинг ҳозирги фаолияти глобал микёсда нафақат давлатимиз, балки бутун дунё бозорида юқори суръатда ўсиб бормоқда. Ушбу кўрсаткичларнинг кунма-кун, соатма-соат юксалишига сабабчи бўлган, бир неча чет тилида бемалол, равон сўзлашиб, халқаро муносабатлар ҳамда ҳамкорлик кўприкларини мустаҳкамлаётган илғор, ғайратли ва тажрибали IT мутахассисларимизнинг меҳнати чин дилдан таҳсинга сазовор.

Тизимимизда фаолият юритаётган юксак интеллектуал салоҳиятли ёш мутахассислар чет тилларда эркин мулоқот қилиш билан бир қаторда, она тилимизнинг бой жозибаси ва нафосатини ҳам фаолиятида юксак маданият билан намоён этиб келмоқда. Зеро, глобал дунёни рақамли технологиялар билан забт этаётган шижоатли ёшларнинг она тилимизда профессионал, мукаммал ва бекаму кўст ижод қилиши IT-Park жамоасининг ўзига хос маънавий қиёфаси, миллий ғуруримизнинг рақамли оламдаги ёрқин ифодасидир.

Эътиборлиси, давлат тилини эъзозлаш ва нуфузини ошириш ички иш юритиш тизими билан чекланиб қолмаяпти. Шиддатли суръатда ҳаётимизга кириб келаётган рақамли трансформация жараёнида ўзбек тилининг мавқеи ва равонлигини сақлаш, уни глобал технологиялар билан ҳамқадам этиш йўлида IT-Park дирекцияси жамоаси стратегик мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан ушбу жамоанинг тинимсиз амалий ва ташкилий кўмаги билан бугун экотизимимизда 18 та илғор резидент компания самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзбек тилини рақамли дунёга мукаммал интеграция қилиш, сунъий интеллект ва энг замонавий технологиялар тилига айлантириш бўйича мислсиз лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу эса миллий ғуруримиз бўлган она тилимизнинг глобал технологик тармоқларда яшаб қолиши, тараққий этиши ва келажак авлодга рақамли мерос бўлиб қолиши учун қўйилаётган улкан пойдевордир.

Хусусан, ушбу йўналишда IT-Park жамоаси ва фидокорона изланаётган резидентларимиз ҳамкорлигида давлат тилини рақамлаштириш борасидаги ишлар бугун ўзининг салмоқли натижасини бермоқда. Мазкур рақамли лойиҳалар асосида ўзбек тилидаги жонли нутқни тинглаб, инсонга жавоб бера оладиган ақлли овозли ёрдамчилар ва замонавий чат-ботлар экотизими, она тилимизнинг имло, грамматика ҳамда пунктуация қоидаларини онлайн режимда бенуқсон назорат қилувчи рақамли ҳимоячилар, шунингдек, тилларараро кўприк вазифасини ўтовчи профессионал автоматлаштирилган таржима тизимлари муваффақиятли ривожлантирилмоқда.

Ушбу ғоялар нафақат расмий мулоқотни, балки келажагимиз бўлган ёш авлод дунёқарашини ҳам қамраб олиб, болажонлар учун мўлжалланган интерактив таълим платформалари ҳамда миллий фольклоримизни тараннум этувчи мусиқий рақамли мультсериаллар орқали ёш қалбларда она тилига чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Кўп тил билиш — бизнинг бойлигимиз, дунёга очилган эшигимиз ва глобал бозордаги энг катта устунлигимиз. Бироқ ўзбек тили ўзлигимиз, қалбимиз ва миллий руҳиятимиздир! Келажак технологияларини яратаётган шижоатли IT-Park жамоаси ва резидентлари давлат тилини рақамлаштириш ва ёзма нутқ саводхонлиги бўйича ҳам барчага намуна бўлишда давом этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 21 октябрь, 218-сон

uz.uz uz.uz_news

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

Ўзбек тили улкан маънавий хазина, кўп асрлик ҳаётий тажриба ва тафаккурни ўзида жамлаган бой меросдир. Маҳмуд Кошғарийдан Алишер Навоийгача, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан жадид маърифатпарварларигача бўлган улуғ сиймоларимиз она тилимизнинг бой имкониятларини юзага чиқариб, унинг равнақига бекиёс ҳисса қўшди. Айниқса, Алишер Навоий туркий тил юксак бадиий тафаккурни ифодалашга ҳар жиҳатдан қодир эканини исботлаб берди. Бугун биз Навоий меросини фахр билан тилга орқали исботлаб, зиммамиздаги муҳим бурч — улуғ аждодларимиз юксак олар эканмиз, мақомга кўтарган тилни замонавий ҳаётнинг барча жабҳасида муносиб қўллаш вазифасини ҳам унутмаслигимиз шарт.



Илҳом ХОЛМУРОДОВ,
Касбий таълим агентлиги директорининг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши халқимиз тарихидаги энг муҳим бурилиш нуқталаридан бири бўлди. Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми Бош қонунимиз — Конституцияда қатъий мустаҳкамланди. Ушбу тарихий қадамлар она тилимизнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, миллий ўзликни теран англаш ҳамда давлат ва жамият ҳаётида тилимизнинг ўрнини кучайтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Аммо тарихий мақом якуний манзил эмас, балки тараққиёт йўлидаги муҳим ибтидодир. Қонун тилнинг ҳуқуқий пойдеворини барпо этса, унинг ҳақиқий қудрати бевосита кундалик ҳаётда намоён бўлади. Давлат идораларида ҳужжатларнинг саводли юритилиши, мактабларда сифатли таълим берилиши, олий ўқув юртларида илмий тадқиқотларнинг ўзбек тилида олиб борилиши, замонавий дастур ва рақамли платформаларнинг она тилимизда равон ишлаши — буларнинг барчаси давлат тили мақомининг амалдаги ифодасидир. Зеро, тил фақат байрамларда мадҳ этилиб, тантанали нутқларда улуғланса-ю кундалик амалий фаолиятда унга етарлича ўрин берилмаса, ички имкониятлари тўлақонли юзага чиқмайди. Бугун ўзбек тили олдида турган энг долзарб вазифа ҳам айнан шундан иборат: бой тарихий меросни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштириш ва она тилимизни келажакдаги жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантиришдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат тилини ҳар томонлама ривожлантириш, нуфузи ва қўлланиш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган давлат тилини ривожлантириш концепциясида 2030 йилга қадар мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб берилган бўлса, 2025 йил 20 октябрда ушбу йўналишни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди. Мазкур ташаббуслар давлат тилининг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлаш, таълим мазмунини такомиллаштириш, электрон ресурсларни бойитиш ҳамда замонавий технологиялар имкониятларидан унумли фойдаланиш каби кенг қамровли йўналишларни қамраб олади.

Бу жараёндаги энг муҳим мезон амалга оширилаётган ислоҳотларнинг одамлар ҳаётида қандай амалий самара бераётгани билан белгиланади. Ҳар бир фуқаро давлат идорасига мурожаат қилганида ўз фикрини давлат тилида эркин баён эта олиши, расмий жавобни аниқ ва тушунарли қабул қилиши, қабул қилинаётган қонун ҳамда қарорларнинг мазмун-моҳиятини қийналмай англай билиши шарт. Давлат тили фуқарони давлатдан узоқлаштирадиган қуруқ расмиятчилик воситаси эмас, аксинча, давлат билан жамият ўртасидаги мулоқотни яқинлаштирувчи ишончли кўприк бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса расмий ҳужжатларда мураккаб ва сунъий жумлаларни қалаштиришдан воз кечиб, фикрни аниқ, мантиқий ҳамда содда ифодалаш маданиятини шакллантириш тақозо этилади.

Шунингдек, давлатнинг тил сиёсати кундалик ҳаётимизда — кўча ва маҳаллалардаги ёзувлар, пешлавҳалар, ташқи рекламалар, йўл кўрсаткичлари ҳамда жамоат жойларидаги ахборот матнларида ҳам яққол акс этади. 2025 йилги расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда қарийб 250 мингта географик объект, жумладан, 200 мингдан зиёд кўча номи давлат тили талабларига мувофиқлаштирилиб, реестрга киритилган. Сўнгги икки йил мобайнида тоғлар, дарёлар, метро ва темир йўл бекатлари, аэропортлар сингари 2600 та объектнинг номи миллий руҳда қайта кўриб чиқилиб, ўзгартирилгани қайд этилган. Бу каби амалий қадамлар она тилимизнинг нафақат расмий ҳужжатларда, балки мамлакатимизнинг кундалик қиёфасида ҳам устувор бўлишига хизмат қилади. Шу билан бирга, жой номларини тартибга солишда уларнинг тарихий ва маданий илдизларини чуқур ўрганиш, адабий тил ва имло меъёрларига қатъий амал қилиш ҳамда аҳоли учун тушунарли шаклларни танлаш ғоят муҳим. Давлат тилининг мавқеини мустаҳкамлаш борасида яна бир муҳим жиҳатни эътибордан қочирмаслик керак: тил равнақини фақат назорат ва маъмурий талаблар билан чеклаб бўлмайди. Тилга чинакам ҳурмат, аввало, ундан фойдаланиш қулай ва табиий бўлган соғлом муҳитда шаклланади. Қачонки фуқаро давлат тилида сифатли хизмат олса, ўқувчи қизиқарли дарслик мутолаа қилса, талаба ўз мутахассислигига доир илмий манбаларни она тилида қийналмай топа олса, компьютер дастури ёки мобил илова ўзбек тилида бенуқсон ишласа, шундагина давлат тилининг қадри ва нуфузи юксалади.

Сунъий интеллект даврида тилимиз истиқболи

Ҳар қандай тилнинг ҳақиқий қудрати фақат бадиий ифода имкониятлари билангина чекланмайди. У математика, физика, кимё, биология, генетика, тиббиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик ва ахборот технологиялари сингари мураккаб соҳалардаги илмий билимларни ҳам аниқ ва мукаммал ифодалай олиши шарт. Агар ёш мутахассис ўз соҳасига доир илғор билимларни фақат чет



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

Тил — миллатнинг уриб турган юраги. Уни келажакка олиб чиқиш эса бутун жамиятнинг вазифаси. Ўзбек тилининг эртанги мавқеи бугун уни қандай асрашимиз билангина эмас, қай даражада ривожлантиришимиз, қандай билимлар билан бойитишимиз ҳамда қандай технологиялар билан уйғунлаштира олишимиз орқали ҳам белгиланади.

тилида ўзлаштиришга мажбур бўлаётган экан, бу ҳолат ўзбек тилидаги илмий манбалар, ўқув адабиётлари ва терминологик базани янада ривожлантириш зарурлигидан далолат беради. Она тилимизнинг илм-фан тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш унинг келажаги учун ғоят муҳим стратегик вазифа. Бу мақсадга эришиш йўлида фундаментал ва амалий фанлар бўйича замонавий дарсликлар, илмий-оммабоп асарлар, терминологик қўлланмалар ҳамда юқори сифатли таржималарни кўпайтириш талаб этилади. Зеро, илмий тушунчани она тилида аниқ ифодалаш имконияти ўқувчининг мураккаб мавзуни ўзлаштиришини осонлаштиради, замонавий билимларни кенгроқ аудиторияга етказишга хизмат қилади ва миллий илмий тафаккурни ривожлантиради. Албатта, бу вазифа хорижий тилларни ўрганишга қарама-қарши қўйилмаслиги керак. Аксинча, у халқаро илмий ҳамкорликни она тилида пухта билим олиш ва эгалланган янги билимларни ўзбек тилида ҳам равон ифодалай билиш кўникмаси билан уйғунлаштиришни назарда тутади.

Халқаро миқёсда қўлланаётган атамани асл ҳолича қабул қилиш тўғрими ёки ўзбек тилининг ички имкониятларига таяниб, унга янги муқобил топиш керакми? Бу саволларга барча ҳолатлар учун бирдек мос келадиган тайёр қолип ёки ягона жавоб мавжуд эмас. Мазкур масалада ҳар бир терминнинг илмий мазмуни, халқаро миқёсда қўлланиш даражаси, ўзбек тилининг фонетик-грамматик қонуниятлари ҳамда фойдаланувчилар учун қанчалик тушунарли бўлиши инобатга олиниши шарт.

Бир томондан, халқаро майдонда кенг оммалашган атамаларни асоссиз равишда сунъий ўзбекчалаштиришга уриниш илмий моҳиятни тушунишни қийинлаштириб қўяди. Иккинчи томондан эса, хорижий тилдаги ҳар қандай сўзни изоҳсиз ва кўр-кўрона қабул қилавериш ҳам она тилимизнинг ички сўз ясаш имкониятларини чеклаб қўйиши тайин. Масалан, “компьютер” ёки “аэропорт” сингари халқ тилига сингиб кетган сўзларни сунъий ва ноқулай сўз бирикмалари билан алмаштириш амалиётда кутилган самарани бермайди. Энг асосийси, тавсия этилаётган ўзбекча муқобил аниқ, ихчам ва табиий жаранглаши, ифодаланаётган тушунчани чигал ҳолатга солмаслиги даркор.

Электрон терминологик реестрлар ва ягона рақамли луғатлар тизимини шакллантириш ҳам самарали ечимлардан биридир. Бундай замонавий платформаларда ҳар бир атаманинг имло қоидаларига мувофиқ ёзилиши, илмий изоҳи, қўлланиш соҳаси, тавсия этилган миллий муқобили ҳамда зарур ҳолларда чет тиллардаги шакллари жамланиши мумкин. Бу эса турли вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситаларида битта тушунчанинг ҳар хил ёзилиши ёки турлича талқин қилиниши каби муаммоларга барҳам беради. Зеро, терминология соҳасидаги фаолият тасодифий қарорлар йиғиндиси эмас, балки мунтазам илмий тадқиқот ва изчил мувофиқлаштиришга асосланган яхлит тизим бўлмоғи керак.

Сунъий интеллект тизимлари таянадиган маълумотлар базаси қанчалик бой ва мукаммал бўлса, уларнинг ўзбек тилидаги матн ҳамда нутқни англаш, қайта ишлаш қобилияти ҳам шу қадар юксалади. Шу нуқтаи назардан, миллий электрон тил корпусларини яратиш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Бундай корпуслар бадиий, илмий, расмий, публицистик ва бошқа услубдаги матнларни тартибли рақамли базага жамлаш имконини беради. Қолаверса, барча учун очиқ ва доимий янгиланиб борувчи изоҳли ҳамда таржима луғатлари, ҳудудий шевалар ва талаффуз хусусиятларини қамраб олган овозли маълумотлар базалари, шунингдек, рақамлаштирилган илмий мақолалар ва диссертациялар ўзбек тилининг рақамли оламдаги салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбек тилининг рақамли истиқболини таъминлаш учун бир қатор устувор йўналишлардаги ишларни изчил ва тизимли равишда ривожлантириш зарур. Биринчидан, тилимизнинг барча асосий услубларини қамраб олувчи кенг кўламли электрон матнлар базасини барпо этиш керак. Иккинчидан, мавжуд луғатлар ва терминологик ресурсларни ягона марказлашган тизимга бирлаштириш лозим. Учинчидан, оғзаки нутқни матнга айлантириш ва ёзма матнни табиий овозда ўқиш технологияларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Тўртинчидан, ўзбек тилидаги илмий ҳамда таълимий манбаларни тўлиқ рақамлаштириш ва улардан эркин фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш даркор. Бешинчидан эса, машина таржимаси ҳамда матнни мазмунан таҳлил қилиш тизимларини янги босқичга олиб чиқиш шарт. Мазкур йўналишлар ўзаро бир-бирини тўлдириб, она тилимизнинг замонавий технологиялар оламидаги иштирокини мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади.

Сунъий интеллект имкониятлари тил ўрганиш ва уни ўқитиш жараёнида ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Замонавий электрон луғатлар, талаффуз тўғрилигини текширувчи дастурлар, интерактив машқлар, аудиодарслар ҳамда сунъий интеллектга асосланган суҳбат модуллари ҳар бир ўрганувчига ўз индивидуал суръатида билим олиш шароитини яратади. Хусусан, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида ўзбек тилини ўргатишга мўлжалланган сунъий интеллект модулини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ушбу йўналишнинг долзарб эканини тасдиқлайди. Бундай инновацион воситалар ўзбек тили ва бой маданиятимизга қизиқувчи хорижликлар учун ғоят фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, сунъий интеллект томонидан яратилган ҳар қандай матнни ишончли деб қабул қилиш ҳам хатодир. Технология баъзида сўзларни ноўрин танлайди, мантиқий мазмунни бузади, аслида, мавжуд бўлмаган маълумотни ҳақиқатдек тақдим этади ёхуд ўзбек тилининг ўзига хос услубий нозикликларини эътибордан четда қолдиради. Айниқса, ҳуқуқий, тиббий, илмий ҳамда расмий матнларда бу каби нуқсонларга йўл қўйилиши жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, сунъий интеллектга инсон мутахассисининг ўрнини буткул эгаллайдиган восита сифатида эмас, унинг меҳнатини енгиллаштирадиган ёрдамчи технология сифатида қараш лозим. Рақамли воситаларнинг сифатини оширишда тилшунослар, муҳаррирлар, ўқитувчилар ва соҳа мутахассисларининг доимий назорати ҳал қилувчи ўрин тутади. Зеро, бу кўламдор вазифаларни ёлғиз филологлар ёки давлат идораларининг кучи билан ҳал этиб бўлмайди. Ўзбек тилининг рақамли қудрати тилшунослар, дастурчилар, маълумотлар муҳандислари, таржимонлар, журналистлар, таълим мутахассислари ҳамда сунъий интеллект бўйича экспертларнинг узвий ҳамкорлиги натижасида шаклланади. Жараёнда тилшунос адабий меъёр ва маъно нозикликларини тушунтириб берса, соҳа мутахассиси илмий тушунчанинг аниқ мазмунини белгилайди, дастурчи эса ушбу билимларни мукаммал технологик ечимга айлантиради. Ана шундай мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгандагина тил бўйича илмий билимлар амалий маҳсулотларга айланади, замонавий технологиялар эса ўзбек тилининг ҳақиқий эҳтиёжларига жавоб бера бошлайди.

Ўзбек тилининг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ҳам мазкур жараённинг муҳим қисми. Хорижий университетларда ўзбек тилини ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, тил марказлари фаолиятини жонлантириш, чет элликлар учун замонавий дарсликлар ҳамда электрон курслар яратиш, ўзбек адабиёти ва маданиятига оид рақамли ресурсларни кўпайтириш она тилимизнинг халқаро миқёсдаги иштирокини кучайтиради. Зотан, ҳар қандай тилнинг нуфузи фақат унинг тарихий бойлиги билангина эмас, балки бугунги дунёга қандай билим, маданият ва янги имкониятлар тақдим эта олиши билан ҳам белгиланади.

Масъулият ҳисси

Давлат тилини тарғиб этишнинг янги босқичи баландпарвоз шиорлардан кўра, инсонларнинг кундалик ҳаётига бевосита кириб борадиган амалий лойиҳалар билан ажралиб турмоғи лозим. Масалан, ўзбек тилида юқори сифатли илмий, техник, фалсафий ҳамда маданий контент яратаётган ижодкорларни танловлар, грантлар ва бошқа рағбатлантириш механизмлари орқали қўллаб-қувватлаш мумкин. Интернет тармоғида ўзбекча сифатли маҳсулотларнинг кўпайиши нафақат тилимиз нуфузини юксалтиради, балки ёш мутахассислар учун янги касбий ва ижодий имкониятлар ҳам яратади. Шунингдек, ўзбек тилидаги матнларнинг имло, тиниш белгилари ҳамда услубий хатоларини аниқлашга кўмаклашувчи бепул рақамли воситаларни ишлаб чиқиш ҳам амалий жиҳатдан ғоят муҳим. Бундай дастурлар матн ёзаётган ўқувчи, талаба, журналист, давлат хизматчиси ёки оддий фойдаланувчига ўз хатоларини кўриш ва тузатиш имконини тақдим этади. Бироқ автоматик текширув воситалари ҳам мукаммал бўлмаслиги табиий. Шу сабабли уларни мунтазам синовдан ўтказиб бориш, тилшунослар иштирокида такомиллаштириш ҳамда фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида янгилаб бориш талаб этилади. Бундан ташқари, давлат идоралари ва бизнес субъектларида давлат тилининг қўлланиш сифатини доимий таҳлил қилиш, расмий ҳужжатлар, веб-сайтлар, реклама ва хизмат кўрсатиш материалларининг тил меъёрларига мувофиқлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш ҳам ижобий самара беради. Бундай лисоний аудитнинг мақсади фақатгина хатоларни қайд этиш ёки ташкилотларни танқид қилиш эмас, балки мавжуд муаммоларни аниқлаш, услубий ёрдам кўрсатиш ва тил маданиятини яхшилашга кўмаклашишдан иборат бўлмоғи керак. Натижада давлат тили қоидалари кундалик иш жараёнининг ажралмас қисмига айланади. Узоқ муддатли истиқболда ўзбек тили учун миллий сунъий интеллект экотизимини ривожлантириш ҳам устувор аҳамиятга эга. Нутқни матнга айлантириш, матнни табиий овозда ўқиш, таржима қилиш ҳамда матн мазмунини таҳлил этиш имкониятларини кенгайтириш фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши, таълим олиши ва ахборотга эришишини сезиларли даражада енгиллаштиради. Шубҳасиз, бундай экотизимни яратиш катта ҳажмдаги сифатли маълумотлар базасини, малакали мутахассисларни, барқарор молиялаштиришни ҳамда изчил илмий-техник ҳамкорликни талаб этади. Шу боис, бу ишларга бир марталик лойиҳа сифатида эмас, балки узоқ муддатли ва босқичма-босқич ривожлантириладиган стратегик йўналиш сифатида қараш зарур.

Энг муҳими, тилнинг келажагини фақат давлат қарорлари ёки технологик лойиҳаларгагина боғлаб қўймаслик керак. Бу йўлда ҳар бир фуқаро, ўқитувчи, журналист, олим, дастурчи, тадбиркор ва контент яратувчининг ҳам ўз масъулияти бор. Саводли ёзиш, сифатли матн яратиш, ўз соҳасидаги билимларни ўзбек тилида равон тушунтириш, янги атамаларни илмий асосда қўллаш ҳамда рақамли воситалардан она тилида фойдаланиш — буларнинг барчаси тилимиз равнақига қўшилган амалий ҳиссадир. Зеро, тилни севиш фақат уни мадҳ этиш эмас, унинг ривожи учун сидқидилдан меҳнат қилиш демакдир. Ўзбек тилида яхши китоб ёзиш, пухта дарслик яратиш, хатосиз ҳужжат тайёрлаш, сифатли таржима қилиш, фойдали мобил илова ишлаб чиқиш ёки интернетда саводли фикр билдириш ҳам бевосита тил равнақига хизмат қилади. Қонун тилнинг ҳуқуқий асосини яратади, ислоҳотлар янги имкониятлар очади, илм-фан ва технологиялар эса унинг кўламини кенгайтиради. Бироқ тилни чинакамига яшатадиган асосий куч — ундан ҳар куни фойдаланадиган, уни бойитадиган ва келажак авлодга етказадиган халқнинг ўзидир.

Бугун ўзбек тили олдида улкан тарихий имконият турибди. У ўтмишдан мерос қолган бойлик сифатида асралиши, бугунги жамиятнинг фаол мулоқот воситаси сифатида ривожланиши ҳамда келажак технологияларининг тўлақонли иштирокчисига айланиши шарт. Бунга эришиш учун эса таълимда сифат, илм-фанда изланиш, давлат бошқарувида саводхонлик, интернетда масъулият ва технологияларда изчил тараққиёт зарур. Ушбу вазифаларнинг бирортаси бошқасидан ажралган ҳолда кутилган натижани бермайди. Улар ўзаро бир-бирини тўлдириб, ягона мақсад — ўзбек тилининг ҳаётийлиги ва нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим. Аждодларимиз бизга бой тилни мерос қолдирди. Энди бизнинг вазифамиз уни фақат асраб қолиш эмас, янги билимлар, илмий кашфиётлар ҳамда замонавий технологиялар билан бойитишдан иборат.

Тил — миллатнинг уриб турган юраги. Уни келажакка олиб чиқиш эса бутун жамиятнинг вазифаси. Ўзбек тилининг эртанги мавқеи бугун уни қандай асрашимиз билангина эмас, қай даражада ривожлантиришимиз, қандай билимлар билан бойитишимиз ҳамда қандай технологиялар билан уйғунлаштира олишимиз орқали ҳам белгиланади. Зеро, ўз тилини чин маънода юксалтира олган миллатгина эртанги кунини дунёга ўз овози билан сўзлай олади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:10 Топширилди — 23:20